ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

7 февраль, шанба 1998 йил №15 (517)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

## УШБУ СОНДА:

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун
2-БЕТДА

ТV ДАСТУРИ
3-БЕТДА

РЕКЛАМА — ТИҲОРАТ ИЛОВАСИ
4-БЕТДА

Бўлажак космонавтлар Аэрокосмик мактабининг аълочи ва фаол ўқувчилари.
5-БЕТДА

НАГАНОДА БАЙРАМ
6-БЕТДА

## Дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

**Бош вазир Ў.Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси 1998 йил 4 февралда Тожикистон Республикасида амалий ташриф билан бўлди.**

**Ташриф чоғида Ўзбекистон делегацияси Тожикистон Республикаси Президенти И.Раҳмонов билан учрашди. Сўнгра Тожикистон Республикаси Бош вазири Я.Азимов билан учрашув бўлди.**

**Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон - Тожикистон муносабатларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.**

**Иккала томон Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида интеграцияни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.**

**Савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари бўйича икки томонлама муносабатлар масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқувчи ҳукуматлараро комиссияни тузиш муҳимлиги айтилди.**

**Тожикистон раҳбариятининг илтимосига биноан, томонлар Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидан давлат қарзини тўлаш муддатини ўзгартириш тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзоладилар.**

**Транспорт, коммуникациялар соҳасида, сув ва ёқилғи-энергетика ресурсларини биргаликда ўзлаштириш ва фойдаланиш, агросаноат мажмуи ҳамда ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экология фалокатларининг олдини олиш ва бундай фалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида иккала мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш ҳусусида фикрлашиб олинди.**

**Иккала мамлакат ҳўжалик юритувчи субъектлари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, саноат кооперациясига, қўшма корхоналар барпо этишга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.**

**Ташриф якунлари бўйича мавжуд шартномавий-ҳуқуқий негизни кенгайтирадиган ва Тожикистон билан Ўзбекистоннинг ўзаро фойдали ҳамкорлигини чуқурлаштирадиган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.**

**Ташриф самимий ва дўстона вазиятда ўтди.**

**(ЎзА)**

*«Ер кодекси» муҳокамада*

## ЕРИ БОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Ўтмишни қоралаш одобдан ҳисобланмаса-да, собиқ шўролар даврида деҳқонларнинг кеча-ю кундуз меҳнатларини кўрган, улар билан бирга шудгор кечиб заҳматларини тортган, лекин олган даромадлари оиласини боқишга базўр етган пайтлар (уша пайтлар ёш мутахассис эдим) ҳамон ёдимдан чиқмайди.

«Ҳамма нарса халқники!», «Ишлаган тишлайди!» каби баландпарвоз шиорларга йўғрилган мафкура ҳукм сурган жамиятда деҳқон-ерсиз, мулк эгасиз эди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, қаерда мулк эгалик бўлса, уша жойда ўсиш-ривожланиш, қаерда рақобат бўлса, уша жойда маҳсулот арзон ва сифатли бўлар экан.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён эндигина 6 йил ўтган бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ерга эгалик қилиш, ҳар бир гектар ердан ҳосилдорликни ошириш, уруғчилик ва селекция борасида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Айниқса, Республикамиз Олий Мажлисининг биринчи чақириқ X сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, кенг ҳалқ муҳокамасига тақдим этилган «Ер кодекси» қонун лойиҳаси мамлакатимизда ер муносабатларини ишга солишда, ерга эгалик қилиш ва тасарруф этишда алоҳида ўрин тутиши билан эътиборга молиқдир.

1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги қонун ўтган давр ичида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар рўй бергани боис унинг айрим моддалари бугунги кун талабига жавоб беролмай қолди. Энди ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, жисмоний шахс билан ер ўртасидаги муносабатларни такомиллаштирадиган қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қиладиган қонунни ишлаб чиқиш давр тақозаси бўлиб қолди.

«Ер кодекси» қонун лойиҳаси хозирги нусхасининг аввалги қонундан фарқи шундан иборатки, унда оилавий пудрат, пайчилик муносабатларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосини белгилайдиган моддалар киритилган.

Дарҳақиқат, пай муносабатларида деҳқонга яна бир қулайлик туғилди. Дейлик, деҳқон 10 гектар майдонни маълум нархда баҳолаб, пайни қўлига олса,у йилнинг охирида хўжалик даромадининг ана шу пайига дивиденд ҳам олади. Демак, деҳқон ҳам эккан еридан, ҳам хўжаликнинг йиллик даромадидан фойда олади. Бу биринчидан, деҳқонни меҳнат қилишга ундайди. Иккинчидан, у ўзидаги пайнинг қиймати ва ернинг ҳосилдорлигини оширишга интилади. Бу хўжаликда йиллик даромад ҳам ортади деганидир. Энди тер тўкиб, меҳнат қилаётган деҳқон хўжаликда йил қандай якунланишига бефарқ қарамайди.

Ерни ижарага бериш масаласи «Ер тўғрисида»ги қонунда қисқача ёритилган эди. «Ер кодекси» қонун лойиҳасида эса оилавий пудрат ҳақидаги модда кенгайтирилиб, ижарага бериш шарт-шароитларини мукаммал белгилаб беришга ҳаракат қилинган. Унда ерни ижарага бериш муддатлари, кимга мурожаат қилиш лозимлиги ҳам кўрсатилган.

Яна муҳим моддалардан бири-ердан фойдаланишини назорат қиладиган давлат ташкилотини тузиш масаласидир. Ҳозирда мавжуд бу ташкилотнинг мавқеи талаб даражасида эмас. Унинг таъсир доирасини кенгайтиришга эҳтиёж туғилмоқда. Шу боис, моддада ана шундай ташкилот Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида бўлиши мақсадга мувофиқдир. У қонуний давлат назоратини амалга оширади.

Қонун лойиҳасида ердан фойдаланиш. ердан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, ердан фойдаланишдаги қонунбузарликларга бериладиган жазо чоралари аниқ қилиб кўрсатилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан танишиш давомида менда айрим фикрлар туғилди, шуларни айтиб ўтмоқчиман.

Масалан, лойиҳанинг I-боб, 4-модда 5-хатбошида «Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашувини ўтказишни...» деган жумла ҳатто қишлоқ хўжалиги ходимларига ҳам тўлиқ тушунарсиз бўлгани учун ўрнига «Қишлоқ хўжалигида экинлар турлари ва ҳайвон зотларининг табиий иқлим ва ер шароитига қараб жойлаштириш...» деб ёзишни таклиф этаман.

«Ер кодекси» лойиҳаси кенг омма муҳокамасидан ўтгач, унинг мазмун жиҳатидан янада бойишига, бу албатта келгусида Республикамизда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳамда ҳалқимизнинг тўқ, фаровон яшашига ўз ҳиссасини қўшишига шак-шубҳа йўқ.

**Абдурахмат Мубораков**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Пахтачилик бошқармаси бошлиғи.**

*Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ҳузурида*

## ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Агар бундан бир неча йил муқаддам ноҳукумат ташкилотлар деган сўз нотаниш ва одамларда ишончсизлик туғдирган бўлса, эндиликда у ҳаётимиз қон-қонига сингиб бормоқда. Ҳозир республикамизда тўртта партия, икки ҳаракат, 45та турли жамиятлар бор ва бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Демократик жамият қуришда ноҳукумат ташкилотларнинг ўрни беқиёсдир. Улар жамиятдаги турли табақаларга энг яқин турувчи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашувчи фуқаролар истак — талабларини ҳимоя қилувчи ва бу борада ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятлар билан музокаралар олиб борувчи, жамиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи бўғинлардир.

Узбекистонда фуқаролик жамиятини қуришдан мақсад жамият ва давлат, давлат ва фуқаролар ўртасида уйғун муносабатларни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий энг муҳим масалалар, жамиятни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий муаммоларини ҳал этишда ва уларни ижобий ривожлантиришда турли фуқаролик ижтимоий уюшмаларида ноҳукумат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир.

Узбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва унга риоя қилиш, давлат ва жамоат назоратини таъминлаш инсон ҳуқуқларини устуворлигининг ижтимоий барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ҳузурида «Узбекистон Республикаси Омбудсмани билан ноҳукумат ташкилотлари ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини яратиш» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида юқоридаги фикрлар таъкидланди.

Давра суҳбатини Узбекистон Республикаси Омбудсмани, профессор С.Ш.Рашидова кириш сўзи билан очди. Унда Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси биринчи проректори, профессор Р.Жумаев, БМТ Ривожланиш Дастури эксперти Д.Готтерер, Президент ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар институти проректори Я.Уманский, Республика Судьялар ассоциацияси раиси А.Тухташев, Республика ногиронлар жамияти вакили С.Убайдуллаев «Экосан» ноҳукумат ташкилоти раиси Ю.Шодиметов, Узбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт маркази кенгашининг раиси В.Бойко ва бошқа кишилар ноҳукумат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимидаги ўрни ва аҳамияти, Омбудсманларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасидаги хорижий давлатлар тажрибаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш муаммоларини ҳис этишда жамоат ташкилотларининг ҳиссаси, ноҳукумат ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари ҳимоясида фаоллигини ошириш ва бошқа масалаларда фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, Омбудсман ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасида ўзаро муносабатни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан жамоат ташкилотлари билан жамоат назоратини пухта ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқиш, аҳолининг ночор табақалари ҳақида маълумотлар мажмуини яратишда ўзаро ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўналишида ноҳукумат ташкилотлар вакилларини ўқитишга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ҳамкорликда таклифлар ишлаб чиқиш ҳақида мусоҳаба юритилди.

Омбудсман билан ноҳукумат ташкилотлар ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳини сайлаш ҳақида келишиб олинди. Шунингдек, давра суҳбатининг қатор ҳужжатлари қабул қилинди.

**Будир ПЎЛАТОВ.**

*Иқтисодиёт одимлари*

## «НАФОСАТ» ТОВАРЛАРИ ХОРИЖДА

Тошкент шаҳрида ўтказилган енгил саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг халқаро кўргазмасида Тўрткул туманидаги «Шурахон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Нафосат» ҳиссадорлик жамияти маркази билан тайёрланган 5 хил кийим-бошларга харидор кўп бўлди. Энг катта шартнома Россия Федерациясининг Тюмен вилояти газчилари билан тузилди. Яқинда эса шу вилоят газчиларидан — «Элтекс» жинсисидан «Нафосат»да тикилган ишчилар учун махсус кийим бошларга катта ҳажмдаги буюртмалар олинди. Газчиларга 25 минг дона шим, куртка, қўлқоплар жўнатилади.

Шунингдек, «Нафосат» товарларига Россия Федерациясининг Москва, Саратов вилоятларидан, Уфа шаҳридан ҳам харидорлар тез-тез мурожаат қилиб туришибди. «Нафосат»чилар хорижликлар буюртмаларини ўз вақтида сифатли қилиб бажариши учун Подольскдан тагин 6 та замонавий дастгоҳлар келтирди. Энди уларнинг сони 200 дан ошиб кетди. Талаб ва эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, бу товарларни тайёрлаш ҳажми кўпайиб бораверади.

Шуниси характерлики, хорижликларни ҳам мафтун қилган кийим-кечакларни бундан икки-уч йил олдин далада ишлаган ёки мактаб партасида ўтирган «Шурахон» овулининг йигит-қизлари қойилмақом қилиб адо этмоқда. Уларнинг кучи билан ўтган йили жами 16,5 миллион сумлик, яъни 1996 йилга нисбатан 26 фоиз кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Салкам 1 миллион сум соф фойда олинди. Бундай ютуқларни қўлга киритишда бичиқчи Дурдигул Нуриллаева, Дармон Шарипова, Мунаввар Тожиева тикувчи-мотористлардан Қундуз Қорабоева, Раъно Ибодуллаева, Халима Айтеновалар муносиб улуш қўшяптилар. Улар нафақат режаларини бажариб, балки ҳамиша сифатли ишлари билан ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. Меҳнатдан кўплаб даромад келиши, корхона молиявий аҳволининг яхшиланиши — жамоа аъзоларининг мустаҳкам ижтимоий химояланишини таъминламоқда.

— Руза ҳайити муносабати билан касабакўмнинг тавсиясига кўра жамоамиздаги нисбатан кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларнинг 150 нафар ўғил-қизларига бепул кийим-бошлар совға қилдик, — дейди «Нафосат» ҳиссадорлик жамияти директори Бозорбой Рузимов. — Ҳозирги кунларда корхонамиз барча аъзоси умумхалқ байрами Наврўзни муносиб кутиб олиш учун пухта ҳозирлик кўраяпти.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Нуқтаи назар*

## Маънавият оламининг туб негизи

Куриниб турибди: савол жуда катта ва жиддий. Аммо даъвомиз катта эмас, оддий, аниқ ва барча табақаларга тушунарли — маънавият оламининг туб негизи — асил замини ойладир, деб жавоб бersак хато булмаса керак. Негаки, инсондан бошлаб ҳар бир мавжуд жонзот ўз ҳаётини оилавий тарзда вужудга келтиради, шакллантиради, ривожлантиради, тартибга солади ва шундан кейин яшайди. Агар бир зум ўйлаб, бутун жаҳонга қалб кўзи билан назар ташласак, бу тартибдан бошқача турмуш тарзи йўқлигига амин бўламиз: негаки, ер юзида бор мавжудотнинг барчаси-инсондан бошлаб то ўсимлик дунёсигача муайян оилавий ҳаёт негизида пайдо бўлганига ва айни шу заминда ривожланишига ишонч ҳосил қиламиз...

Агар юртбошимиз — 1998 йилни — Оила йили деб эълон қилишни таклиф этган ва шунга ҳаммамизнинг эътиборимизни жалб этаётган бўлса, бу билан қандай мақсадни кўзда тутганлар деб ўйлаймизми? Шубҳасиз, ўйлаймиз. Ҳар бир онгли, имон-эътиқод деган муқаддас тушунчаларни идрок этишга қобил шахс — Оила, унинг вужудга келиши, шаклланиши, тақдири, ўтмиши, келажаги ҳақида ўйлаши, ғамхўрлик қилиши муқаррар бўлиб қолади.

Зеро бу соҳада ҳам дунёнинг барча ҳудудларида турлича услуб, тартиб, муайян қонун-қоидалар бор. Бири ёзилган, бири ёзилмаган-ҳаётий қоидалардан иборат дейиш ҳам мумкин.

Турмушда ҳаётнинг бирор соҳасини қонунлар асосида тузиш, юритиш мумкин бўлса, бошқа бир соҳасини ёки умуман ҳаётни тула-тукис қамраб оладиган қонунни яратиб бўлмайди. Қонунлар тузилади, ёзилади эълон қилинади, ҳаёт жараёнида уларга риоя қилиш кўзда тутилади. Аммо, турмуш тарзининг кўплаб ўта нозик, гоҳо кўзга илиниб-илинмай юзага чиқадиган нуқталари шундай мураккаб вазиятларни вужудга келтирадики, бундай кезларда қонунлар ожиз бўлиб, фақат юксак маънода инсоний фазилатларгина, бошқача қилиб айтсак, маънавий олами бой, ҳар жиҳатдан етук шахсларгина иш беради, муаммони тўғри ҳал қилади, чигални билиб ечишга қодир бўлади...

Бу билан, уша биз кўзда тутган сифатларга эга бўлган шахс фақат ўз эл-юрти, миллати, халқи маънавиятини юксалтиришга катта улуш қўшибгина қолмай, ўз миллий қобиғидан чиқиб, бутун жаҳон миқёсидаги маънавий ривожланишга, яхни умуминсоний фазилатларни кўпайтиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Ана энди мазкур изоҳларимизни мавзуимиз сарловҳасига тадбиқ этиб кўрсак, бир элюртда ҳам, айни замонда бутун жаҳонда ҳам маънавиятнинг пайдо бўлиши-ю, ривожланиши биринчи галда оилавий ҳаётга бориб тақалади, бусиз миллийлик ҳам, умуминсонийлик, ёки, жаҳон маънавияти ҳам бўлмайди...

Агар биз миллий маънавиятимиз ва унинг жаҳоний мавқеи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, аввало бу борадаги миллий фазилатларимизни кўз олдимизга келтирамиз. Зеро, бизнинг шарқона оилавий турмуш тарзларимизда бутун жаҳонга ибрат қилиб кўрсатилиши мумкин бўлган қанчадан-қанча фазилатларимиз бор. Айни фазилат ҳақида гап кетганда, бошқа миллатларнинг оилавий ҳаётларида ҳам ўрнак олиниши мумкин бўлган жиҳатлар кўп. Бинобарин, ўзимизда ҳам, ўзгаларда ҳам оилавий ҳаётга дог тушираётган ва тушираётган нуқсонларни кўплаб учратамиз-ки, бундай муаммоларни тўғри идрок этиб билиш яна биздан ақл-фаросат, юксак даражадаги онг ва тушунчаларни талаб қилади.

Энди ўйлаб кўрайлик-кейинги олти йиллар мобайнида миллий қадриятларимизни тиклаш борасида озмунча иш қилинмади ва бу ҳамон давом этмоқда. Амалга оширилган тадбирларни оммавий ахборот воситаларимиз ҳар куни эълон қилиб келмоқда. Аммо биргина-энг кейинги тадбирлардан айримларини таъкидлаб утиш билан чекланамиз-да, кейин мавзуимизни давом эттирамиз. Аҳмад Фарғонийнинг туғилганига 1200 йил, Имом Бухорий таваллудига 1225 йил тўлишини республикамиздагина эмас, ЮНЕСКО қарори билан бутун жаҳонда нишонлаш, Узбек музей ташкилотини тузиш ҳақидаги махсус фармонларни олинг. Ёки Навруз байрамини ҳар йили ўтказиш ва ҳоказо...

Юқорида номлари тилга олинган буюк сиймоларнинг жаҳон фани ва умуминсоний маънавият оламини юксалтиришдаги ўринларини шу вақтгача бирор кимса тилга олганмиди? Хорижда, биздан олисда ва биздан бутунлай четда турганлар уларни, минг йиллардан буён билганлар, ҳурмат билан тилга олганлар, фан оламидаги кашфиётларидан фойдаланганлар, аммо биз-чи?

Қизиллар даврида, ундан олдинги чор Россияси бошлаб берган босқинчиликлар авжга чиққан фожиали йилларда биз ўзлигимизни йўқотаётган ва бор вужудимиз билан қарам бўлиб яшаётган вазиятларда ўз ватандошларимиз номларини тилга олишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди-ку?! Шуни идрок этамизми? Ахир бундай саналарни бизга буюк истиқлолимиз ато этаётган гоят бебаҳо маънавий бойлигимиз эканини ҳаммамиз ҳам чуқур тушунамизми?

Буюк аждодларимиз, улардан олдин ўтган Боҳовуддин Нақшбандийдан тортиб, Алишер Навоий Бобурларгача, минглаб издошлари — туғилиши билан биринчи тарбияни оиладан олганлар, таълимни-илмни мактаб-мадрасаларда олганлар. Уларнинг ҳар бирлари — шарқона оилавий тартиблар билан воғга етганлар, оилага гоят буюк бир муқаддас ҳужайра — жамиятнинг бошлангич тарзи деб қараганлар. Янги оила қуриш айни шу нуқтаи-назардан ҳар бир халқда, айниқса, туркий халқларда, шу жумладан, узбекларда жуда катта қувонч билан ташкил этилган тантаналар, қариндош-уруғлар, ёри-биродарларгина эмас, қўни-қўшни, маҳалладошлар, ҳамшаҳар, ҳамқишлоқлар иштирокида ўтказилади...

(Давоми 5-бетда)

## Деҳқонлар учун янги техника

**Самарқандда «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган янги қишлоқ хўжалик техникаси ва халқ истеъмоли моллари республика савдо-кўргазмаси очилди. Унда йирик корхоналар билан бирга шу соҳага ихтисослашган фирма ва компаниялар ҳам ўз маҳсулотини намойиш этмоқда.**

**Тошкент трактор заводи, «Ўзбекқишлоқмаш», «Ўзиталмотор», «Кимёқишлоқмаш» сингари корхоналарнинг замонавий техника воситалари, фермер хўжаликлари учун мўлжалланган ихчам мослама ва пуркагичлар деҳқонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

**Кўргазма очилиши маросимида вилоят ҳокими А.Мардиев, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов сўзга чиқди.**

**Ҳ.ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Қишлоққа газ келди

Булунгур тумани марказидан Киллдон ва Хужабола қишлоқларига қарийб 14 километрлик газ қувури тортилиб, беш юзга яқин хонадон табиий газдан баҳраманд бўла бошлади. Айни пайтда қишлоқлардаги саноат корхоналари ҳам зангори оловдан фойдаланмоқда.

«Узбекгазқурилиш» трестининг Самарқанд вилояти бошқармаси ишчилари яна тўртга қишлоққа газ қувури тортишга киришдилар.

**Б.ОСТОНАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Т О К И О.** Япония ташқи ишлар вазири Кэйдзо Обути АҚШ ҳукуматини қишки олимпиада ўйинлари вақтида Ироққа қарши ҳарбий зарба бермасликка даъват этди. Биз ҳам бошқа жойларда бўлгани каби, ушбу олимпиада мусобақаларини катта тантаналар билан ўтказишни хоҳлаймиз, деб баёнот берди у Токиода бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

* * *

**С Я Н Г А Н.** Сянган / Гонконг/ маъмурияти ўта заҳарли бўган 40 тонна ракета ёқилғисини йўқ қилишга қарор қилди. Бу ёқилғи 1996 йилнинг апрел ойида Шимолий Корея кемасида Покистонга олиб кетилаётган пайтда Гонконг соҳилида ушланган эди. Текширувлар натижасида ушбу маҳсулот хуфиёна олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Қарорга асосан ёқилғи икки ҳафта мобайнида ҳарбий синовлар майдонида йўқ қилинади.

* * *

**К Е М Е Р О В О.** Кемерово вилоятининг Камен қишлоғидаги мактабларнинг биридан 80 киши заҳарланиб касалхонага тушди.

Текширишлар мактабда санитария қоидаларига умуман риоя этилмаётганини кўрсатди. Мактаб ошхонасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ҳатто музлатгич ҳам йўқ экан. Маҳаллий касалхона врачининг гапига қараганда, ўтган ҳафтада ҳам айнан шу мактаб ошхонасида тамадди қилган 77 ўқувчи заҳарланган.

**/ЎзА/**

# 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

## НАВОИЙ ВА НАҚШБАНД

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг номи кўҳна Шарқнинг жуда кўп маданий ва маърифий доиралари вакиллари, шоир ва олимлари номлари билан боғлиқ. Ҳожа Баҳоуддиннинг илми ва ўткир нафаси жаҳон-шумул обрў-эътиборга эга бўлган, Мовароуннаҳр чегаралари оша узоқ ўлкалардаги кишиларни лол эта олган. Ҳазрат Баҳоуддин ўз тариқати билан сон-саноқсиз кишилар қалбига ҳидоят нурини жо этиб, ўз ўгитлари билан уларнинг нақшбандиянинг хассос билимдонлари даражасига кўтарилишларига кўмак берган. Ана шундай нақшбандийлар сирасига қадим Туркистон заминининг забардаст кишилари — Соҳибқирон Амир Темур, Абдурраҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳожа Аҳрор Валий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраб, Сайид Олимхон ва кўплаб бошқа зоти шарифларни кирита оламиз.

Нақшбандия тариқатининг энг билимдонларидан бири, тариқат ғояларини ўз асарларининг асосий мавзуларига айлантирган зот — улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийдир. Алишер Навоий ўз устози ва фикрдоши Абдурраҳмон Жомийнинг даъватлари билан нақшбандия тариқатига кириб, Ҳожа Баҳоуддин таълимотини чуқур ўрганади. Булар натижаси ўлароқ ўз шеърий ва насрий китобларида Нақшбанд ва нақшбандия таълимоти ҳақида кўп ва хўп фикрларни баён этган. Чунончи, «Насойимул муҳаббат» асарида Навоий нақшбандга шундай баҳо беради: «Ягонаи замона Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд». Шу биргина жумла буюк шоирнинг буюк мутасаввуфга бўлган эътиқоди ва эъзозидан далолат беради.

Навоий Нақшбанд таълимотини тарғиб этиш мақсадида «Бадоеъ ул бидоя», «Садди Искандарий», «Хазойинул маоний», «Ҳайрат ул-аброр» асарларида нақшбандиёна фикрларни илгари сурган. Бундай фикрларга бой мисралар, айниқса, «Садди Искандарий» достонида яққол кўзга ташланади. Ҳатто, кўпчилик навоийшуносларнинг фикрларига қараганда, шоирнинг нақшбандиёна қарашлари асососи айнан шу достондан ўрин олган. Зотан, достондаги:

*«Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,*
*Тила хилвату анжуман ичра бўл»,* —

деган мисралар Навоийдаги нақшбандиёна фикрларнинг энг асосий негизи ҳисобланади. Шоирнинг ушбу мисралари улуғ мутасаввуфнинг «Сафар» дар ватан» деб номланган тамойилига асосланади. Маълумки, бу тамойилнинг маъноси: қалбан ватан бўйлаб сафар қилмоқ, яъни вужуди билан бўлмасада, қалби билан ватанга содиқ, ватан билан бирга бўлмоқдир. Худди шу тамойилнинг яна бир маъноси борки, у ҳам бўлса: ўз ватанинг билан кифоялан, ўзга ўлкаларни фатҳ этиб, беҳуда урушларни бошлама. Бу фикр Навоий замонида айрим Шаҳзодаларнинг ўзаро жанжаллашиб, беҳуда қон тўкишлари оқибатида туғилганлиги аён. Шу ўринда Навоийнинг кейинги мисраларини ҳам келтириш жоиз:

*«Жаҳон мулкин этсанг сафар хушку тар,*
*Скандардек олсанг юруб баҳру бар.*
*Қўйиб борин охир чу кеткунгдурур,*
*Дегилким, олиб они неткунгдурур».*

Бу ерда шоир дунёнинг ўткинчилигини, инсон ҳар канча мол-дунё йиғса-да, охири барини ташлаб кетишини, бинобарин, бойликка ўч бўлмаслик кераклигини уқтиради. Нақшбанд таълимотидаги асосий ғоялардан бири ҳам аслида шу: мол-дунёдан йироқ бўлишлик ва ихтиёрий равишдаги фақирлик.

Нақшбанд таълимотида инсон шахсининг камол топиши масаласи ҳам асосий ўринни эгаллайди. Унда инсоннинг бир қатор фазилатлари, у эгаллаб олиши лозим бўлган хислатлар белгилаб берилган. Навоий ҳам ўз асарларида худди шу фазилатларни таннум этади. Хусусан, Нақшбанд зикр этган саҳоват, ҳиммат тўғрисида шоир шундай ёзади:

*«Кишиким, бийикракдурур ҳиммати,*
*Жаҳон аҳлидин камракдурур меҳнати».*

Навоий ўзининг «Бадоеъ ул бидоя» асарида Нақшбанд таълимотининг тўртала тамойилини умумлаштириб, қисқа ва латиф тарзда талқин этади:

*«Бу тўрт иш била рубъи маскун аро*
*Чолинмоқ не тонг кўкси давлат санга.*
*Бу оҳанг ила бўлғайсен нақшбанд,*
*Навоий, гар етса навбат санга».*

Бу мисраларида Навоий ўзини нақшбандийликка мансуб киши сифатида кўриш орзусини ифода этади. Биз, ул зотнинг авлодлари, камоли ишонч билан айта оламизки, Навоий том маънода асл нақшбандий бўла олган муътабар кишилардандир.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ**

**Алишер НАВОИЙ**

### ҒАЗАЛ

*Эй юзунг гулбаргига ошуфтау ҳайрон сабо,*
*Телбалардек гулшани кўюнгда саргардон сабо.*

*Кўпмоғи мумкин эмастур, балки тебранмаклиги,*
*Топмаса жонбахш лаълинг нуқтасидан жон сабо.*

*Сунбули зулфин агар ошуфта қилмайдур, недур,*
*Ким, шабистонга эсар ҳар дам абирафшон сабо.*

*Пора-пора жисм аро оҳим нетиб қолғай ниҳон,*
*Бўлмоқ имкон йўқ хасу хошок аро пинҳон сабо.*

*Ёрдин келди сабо кеч келмакин айларга фош,*
*Кўнглум ичра тез қилди шуълаи ҳижрон сабо.*

*Нотавонлар оҳи ул гул кўйида ҳар субҳидам,*
*Ўйладурким, гулистон ичра эса ҳар ён сабо.*

*Субҳ чун эсти сабо, ичкил қадаҳким, бўлмоғунг*
*Сену кўп эстургуси бу боғ аро даврон сабо.*

*Лоларухлар аҳдининг маҳкамлиги мумкин эмас,*
*Собит ўлмоқ лаҳзаи бир ерда не имкон сабо.*

*Тонг эмас, солса Навоий оҳи кўюнгда ғирев,*
*Чун гулистон сайрида зоҳир қилур афғон сабо.*

### Рубоийлар

*Олам бор эмиш, Навоиё, шўрангиз,*
*Оламдоғи эл боштин-аёғ рангомиз.*
*Ишқ истар эмиш сени адам миср сари,*
*Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.*

* * *

*Кўз била қошинг яхши, қабоғинг яхши,*
*Юз била сўзинг яхши, дудоғинг яхши.*
*Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,*
*Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.*

*Маданият хабарлари*

## ЎЗБЕК РАССОМИНИНГ АСАРЛАРИ АМЕРИКАДА

Ўзбекистон Республикасининг Америкадаги элчихонасида машҳур мусаввир Чингиз Аҳмаровнинг талантли шогирдларидан бири Узбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков асарларининг кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмага мусаввирнинг турли жанрлардаги 50 та асари қўйилган булиб, улар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. Бу ердаги кўргазма рассомнинг чет эллардаги биринчи кўргазмаси эмас. Бундан олдин Ж.Умарбековнинг асарлари Осиё ва Европанинг бир нечта мамлакатларида ҳам намойиш қилинган эди.

## КЎРИК-ТАНЛОВ

Қадим Хива юбилейига ҳар ким ўзига яраша совға тайёрламоқда. Шаҳар халқ таълимига қарашли мактабларнинг ёш рассомлари қадимий шаҳар манзаралари ифодаланган расмларини алоҳида альбомга жамланган эдилар. Бу расмларда ҳар бир обида истеъдодли ўқувчиларнинг тафаккури, дунёқараши билан чизилган булиб, Ватанга меҳру муҳаббат ўз ифодасини топган.

Яқинда мактабларнинг рассомчилик тўгараклари аъзоларининг бу хайрли ишлари юзасидан кўриктанлов ўтказилиб, нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Биринчи ўрин Миромил Миршаропов номли, иккинчи ўрин Оруджев номли, учинчи ўрин таянч мактаби ёш рассомларига берилди. Ғолиблар Фахрий ёрлиқлар ва совғалар билан мукофотланди.

**Ж. НУРИММАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## ҲАЗРАТ БОШЛАГАН САВОБЛИ ИШ

Маълумки, Шарқ табобати қадимий тарихга эга. Уни умумлаштириб, жаҳонга ёйган аллома Абу Али ибн Сино бўлди. Айниқса олимнинг «Тиб қонунлари» асари кўпгина асарларнинг дунёга келишига замин бўлди. Асрлар давомида йирик донишманд табиблар бу китобга шарҳлар ёздилар. Айни пайтда Урта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Араб мамлакатларида табобатга оид асарлар пайдо бўла бошлади. Бу анъаналар А.Навоий давригача ва ундан кейин ҳам давом этиб келган.

Хўш, XV асрда табобатчилик қандай ривожланган? Хусусан, А.Навоийнинг қандай алоқаси бор?

Унинг табобат фани асосларини яхши билиши, табобат илми билан қизиқиши, халқ аҳволини яхшилашга бўлган инсонпарварлик ҳаракати туфайли Ҳиротда Дорушшифо, яъни «Даволаш уйи» очилади. Бу ерда машҳур табибларнинг тўпланиши уларни бир ерда жамлаш, табобат илмини ривожлантиришга қулайлик туғдиради.

Шуниси диққатга сазоворки, шифохонада ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бино ёнида «Кавсар мисол» ҳовуз бўлган. Энг қизиғи, бу ерда беморлар учун дори-дармонлар, турли хил таомлар муҳайё бўлган. Узоқ юртдан келганлар бепул даволанганлар.

Дорушшифо мавқеининг бундай баланд бўлишига сабаб нимада? Гап шундаки, ўша кезлари қурилган касалхоналарга бош ҳаким тайинлаш ва бошқа табибларни синчковлик билан синовдан ўтказиш қоидаси мавжуд бўлган. Бу ҳақда Абу Бакр ар Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган «Касалликлар тарихи» номли китобида шундай ёзилади:

«Адуд ал-Давла ўз номига атаб қурдирган касалхона битгандан кейин, унда энг яхши табиблар ва олимлардан иборат бир жиноят ишлаши керак деб? Бағдоддан машҳур табибларни сўратади. Ҳисоблаб чиқилганда уларнинг сони 100 дан ортиб кетади. Адуд ад-Давла уларнинг орасидан табобат илмидаги маҳорати ва қобилиятига қараб, 50 тага яқинини танлайди. Ар-Розий ҳам шулар орасида бор эди. Кейин 10 тадан учтасини танлади. Ар-Розий шу уч кишининг бири эди, сўнг учтасидан бирини танлайди. Ар Розий уларнинг энг афзали бўлиб чиқади ва уни Адуд ўз касалхонасига ҳаким қилиб тайинлайди».

Дорушшифога жалб этилган табиблар синовдан қандай ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар кўп бўлмаса-да, бироқ ўз-ўзидан равшанки, касалхонага табибларни жалб қилиш, у ерни бошқариб туришга бош ҳаким тайинлаш Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа мансабдор шахслар маслаҳатисиз амалга ошмаган. Дорушшифодаги табиблар ҳақида Навоий тарбияси билан камолга етган машҳур тарихчи, кўпгина тарихий асарларнинг муаллифи, мазкур шифохона ва унинг табибларини ўз кўзи билан кўрган Хондамир «Хулосат ул-ахбор» («Хабарларнинг хулосаси») номли китобида ҳам ёзиб қолдирган.

Дорушшифода хизмат қилган табибларнинг ҳар бири тўғрисида тўла маълумот бериб, уларни «хизр қадамли ҳакамлар, Исо нафаслик табиблар» деб ёзади. Шулардан бири мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад табибдир. У табибгина бўлиб қолмай, ажойиб шоир ҳам бўлган. Ғиёсиддин Муҳаммад шифохонада дарс бериш билангина чекланмай, беморларни даволаб, тиббий асарлар ҳам ёзган.

«Мавлоно Дарвеш Али табиб,-деб ёзади Хондамир ўз китобида, - чиройли сифат, ёқимли хислат, ширин сўз, хушфеъл, табиатининг поклиги ва дилни тортиши билан замон табибларининг энг зўридир».

Дорушшифо табиблари ўз даврида Ҳирот табобатчилигидагина шуҳрат қозонмай, балки ўзга юртлар ва давлатларда ҳам табобат фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ҳирот тиббий мактубида таълим олганлар. XVI аср табобати ривожланишига шубҳасиз ҳисса қўшганлардир. Шулардан бири Юсуфий Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравийдир. Юсуфий XVI асрнинг кўзга кўринган олими, шоири ва табибларидан бўлган. У XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳуросоннинг Хоф шаҳрида машҳур олим Муҳаммад табиб оиласида таваллуд топди. Кейинчалик улар Ҳиротга кўчиб келишади.

Шундай қилиб, Навоий бошлаган савобли иш ундан сўнг ҳам XVI асрда яшаган табиблар томонидан давом эттирилди. Яна шуни эътироф этиш керакки, улуғ шоир ўз даврининг барча фанларини ривожлантириш билан бирга, табобатнинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг саъй-ҳаракати билан Ҳирот табобатчилиги бошқа мамлакатларникидан ўзиб кетди.

**Иззат АҲМЕДОВ.**



*Мустақил республикамизда Ташқи иқтисодий миллий банки фаолият кўрсата бошлаганига унча кўп вақт бўлишига қарамасдан бу ерда иқтидорли, тажрибали ёш мутахассислар ўз билим ва кўникмаларидан тўла фойдаланишмоқда.*

*Ташқи иқтисодий Миллий банки жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган.*

**Суратда: Ї-тоифали мутахассис О.Кўчимовни кўриб турибсиз.**

**Р.ГАЛИЕВ сурати.**

*Касаба уюшма ҳаёти: техника хавфсизлиги*

## БИРЛАШГАНЛАР ЕТАР МУРОДГА

Деярли 226 миллион сўм касб касалликларига дучор бўлган ва ишлаб чиқаришда тан жароҳати олган ходимларга кейинги бир йилда шунча миқдорда нафақа тўланди. Вақтинча ишга яроқсиз бўлган ходимларга тўланган маблағ 18 миллион сумга етиб борди. Вақтинча ишга яроқсизлик, касб касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳолатлар оқибатида ишлаб чиқарилмаган маҳсулотлар, чала қолиб кетган ишларнинг ҳажми қанча?

«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Меҳнат муҳофазаси ва экология муаммолари булимининг мудири Ғ. Ғаффоровдан юқорида келтирилган фактларни шарҳлаб, ишлаб чиқаришда соғлом шарт-шароитларни яратиб бериш муаммолари ҳақида гапириб беришни илтмос қилди.

— Республика аҳолисининг кўпчилиги қўллаб-қувватланганидагина иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли кечиши мумкин, — деди Ғаффор Қурбонович. — Содир бўлаётган жараёнлар ишлаб чиқариш воситалари тобора яроқсизланиб, ходимларнинг касбмалака лаёқати ёмонлашиб бораётганлиги, меҳнатнинг моҳияти ўзгараётганлиги, атроф-муҳитни муҳофазалаш мураккаблашаётганлигини холис баҳолаш зарурати мана шулар боис тобора долзарб тус олаётир.

Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигидаги Республика ҳукумати XXI аср бусағасида Узбекистоннинг қадди-қоматини тиклаш ва иқтисодиётни, маданият ва маънавиятни ривож топтириш йўлини утказмоқдалар. Мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика мажмуи ривожланиб ишлаб чиқариш қувватлари ортиб бормоқда, кичик ва ўрта тадбиркорлик қулами кенгаймоқда.

Мустақил давлатимиз дастлабки кунларданоқ инсон, унинг фаровонлиги хусусида алоҳида ғамхўрлик кўрсата бошлади. «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунга биноан корхона ва ташкилотларда касаба уюшма қўмиталарининг жамоат назоарти тизими яратилди. Меҳнат жамоаларида меҳнат муҳофазаси комиссиялари тузилиб, жамоатчи вакиллар сайланди. Касаба уюшма қўмиталари маъмуриятлар билан биргаликда қабул қилинаётган жамоа шартномаларида ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, бу ишларни маблағ билан таъминлаш тадбирлари кенг қамраб олинишига қатъият билан эришмоқдалар.

— Лекин, Ғиёс Ғаффорович, жойлардаги кузатувлар, меҳнаткашларнинг хат-хабарларидан кўриниб турибдики, меҳнат шароити ҳамма ерда қу? Касаба уюшма қўмиталари ҳам гоҳида шундай тамойилларга муте бўлиб қолмоқдалар. Меҳнатни муҳофазалаш қонунлари ва меъёрларига амал қилиниши устидан таъсирчан назоратни кучайтирмаётирлар.

Айрим раҳбарлар эса соғлом меҳнат шароитларини яратиш, технология жараёнларини такомиллаштириш борасида собитқадам иш олиб бориш ўрнига энг осон йўлга ўтиб олганлар. Бу ноқулай, зарарли иш ўринлари меҳнат қилганлик учун товон тўлаш йўлидир. Касаба ташкилотлари эса товон пули тўланаётгани билан чекланиб, муаммони моҳиятан ҳал этиш учун ўзларини ўринтирмаётирлар. Бу беғамлик, бефарқлик қанчага тушаётганлигини биласизми? Саноат корхоналари, қурилиш транспорт ва алоқа ташкилотларида носоғлом шароитда меҳнат қилувчи ходимларга қўшимча таътиллар, бепул сут ва даво таомлари, зарарли муҳитда ишлаганлик ҳамда қисқартирилган иш кунларини қоплаш учун йилига 2 миллиард 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланяпти.

— Бундан ҳам ортиқ хўжасизлик бўлмаса керак. Носоғлом меҳнат шароити деган тушунчани шарҳлаб бергинг.

— Инсон саломатлигига путур етказувчи муҳит носоғлом иш жойи ҳисобланади. Тўғри, ишлаб чиқариш бўлганидан кейин ҳамма жойда ҳам шовқин, чанг, газ юзага келади. Аммо, ҳар қандай аломатнинг соғлиққа зиён ета бошлайдиган меъёри, чегараси бўлади. Қўмир, кимё ва нефть-кимё, ёғ-мой ва дон қайта ишланадиган, тўқимачилик ва енгил, кон-металлургия, қурилиш материаллари саноати корхоналарида иш жойларида газ тўпланиши, чанг, шовқин ва тебраниш меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан анча ортиқ. Айтайлик, қурилишда банд бўлган ходимлар кейинги йилларда хийла камайгани ҳолда носоғлом шароитларда ишловчилар миқдори 22 фоиз ортган. Оғир қўл меҳнати билан банд бўлган ишловчилар эса 56 фоизга яқин кўпайган. Транспорт ва алоқа корхоналарида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Республика санитария-эпидемиология станциясининг булинмалари ўтказган текширишлар шуни кўрсатдики, ҳар икки иш жойининг биттасида зарарли моддалар йўл қўйилиши мумкин бўлганидан кўп учрайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Фарғона вилоятларидаги баъзи корхоналарда бу борадаги аҳвол айниқса ташвишланарли. Дон маҳсулотлари, қурилиш материаллари корхоналари, «Қумир» ҳиссадорлик жамияти, деҳқончилик саноат мажмуида ҳам аҳвол яхши эмас. «Узбекистон ҳаво йўллари» учувчилари, самолётсозлик бирлашмасининг айрим корхоналарида ишловчилар, «Узавтосаноат», «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг меҳнаткашлари кучли шовқин ва тебраниш шароитида меҳнат қиладилар.

— Табиийки, бундай аҳвол касб касалликлари кўпайишига олиб келади. Тўғрими?

— Бўлмасам-чи. Шу ўринда биргина рақамни келтирмоқчиман: носоғлом иш жойларида банд бўлган ишчилардан 400 га яқини ҳар йили касб касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолмоқда. Сурункали заҳарланиш ҳолатлари кўпаймоқда. Қизилқумдаги нодир металлар корхоналари, самолётсозлик ҳиссадорлик жамияти, «Ингичка» кони, Фарғона ва Тошкент тўқимачилик комбинатларида касб касалликларига чалиниш ҳоллари айниқса кўп учрайди.

— Кўриниб турибдики, иш шароити билан боғлиқ муаммолар оз эмас. Уларни бартараф этиш йўлларини қандай тасаввур этасиз?

— Биз иқтисодий ўсишнинг барқарор йўлига ўтиш вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, аввало меҳнат шароитларини яхшилашга эришмоғимиз керак. Албатта, бу мураккаб вазифа. Буни уддалаш учун касаба уюшмаларининг кенгашлари ва қўмиталари, айниқса, меҳнатнинг техник нозирликлари ва ваколатли шифокорлар Меҳнат вазирлиги, Табиат муҳофазаси қўмитаси, республика санитария-эпидемиология станцияси ва уларнинг жойлардаги идоралари билан бевосита ҳамкорликни кучайтиришлари керак. Асосий эътиборни корхоналарда санитария маиший хоналарини жиҳозлаш, ишловчиларни махсус иш кийимлари, пойафзал ва якка тартибда муҳофазаланиш воситалари билан таъминлашга қаратиш лозим. Афсуски, ҳали ҳам турли важ-корсонларни рўкач қилиб, соғлом иш шароитини яратишни пайсалга солувчи раҳбарлар оз эмас. Хусусан, «Пойафзалчи», «Мелиоқурилишмаш» ҳиссадорлик жамиятлари, Тошкент дон маҳсулотлари корхонасида шундай қилинаяпти.

Иш жойларидаги аҳвол учун хўжалик раҳбарларидан ҳам, касаба қўмиталаридан ҳам бирдек жавобгарлик талаб қилиниши керак. Касаба уюшмаларининг тармоқ Марказий қўмиталари, вилоят кенгашлари ишлаб чиқаришда қулай санитария маиший шароитлари яратилиши учун фаол киришишлари лозим. Кучларни шу тариқа бирлаштирганлигина бу муаммони бартараф этиш мумкин. Шундагина дастгоҳ ёнидаги ишчи, ҳавозалардаги қурувчи, фермалардаги чорвадор енгил нафас олиб, қулай шароитларда меҳнат қилади. Бинобарин, ишда унум кўтарилиб, сифат яхшиланади.

**Суҳбатдош: Ж. САЪДУЛЛАЕВ, Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот ва ахборот шўъбасининг мудири.**

*Қиш фасли — иш фасли*

## ҒАЛЛАЧИЛИК—ДАРОМАДЛИ СОҲА

Ғузор туманидаги Охунбобоев номли жамоа-ширкат хўжалиги иқтисодиётида пахтачилик билан бир қаторда ғалламчилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Хўжаликда бу соҳани ривожлантиришга етарли аҳамият берилмоқда. Буни эришилган натижаларда ҳам билиш мумкин. 1996 йилда ҳар гектар галла майдонидан ўртача 8 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, 1997 йилга келиб ҳосилдорлик кескин кўтарилди. Гектаридан ўртача 22 центнердан дон саранжомлаб олинди. Давлатга 3000 тонна сара дон топширилди. Бу режадагидан анча кўпдир.

Хўжалик ғаллакорларининг бу йилги ниятлари янада кўтлуғ. Дон ҳосилдорлигини гектар бошига 30 центнерга етказишни режалаштирганлар. Бунинг учун ўтган йил кузда 1703 гектар сувли майдонга ғалланинг истиқболли навларини экишган эди. Об-ҳавонинг қулай келиши ва уруғлик ўз вақтида экилганлиги туфайли барча майдонларада уруғ бир текис униб чиқди. Барча ғалла майдонлари бир марта суғорилиб, минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда майсаларнинг авжи баланд.

— Хўжалигимизда ғалла майдонлари ижарачиларга тақсимлаб берилган, — дейди хўжалик раиси Тўхтамурод Тураев. — Ҳозирда уларнинг сони 73 тага етди. Ғалла парвариши айниқса, Сафар Холбўтаев, Алишер Шаймардонов, Нурхон Бойқулов, Муҳаммади Каримов бошлиқ ижарачи жамоаларда намунали ташкил этилган. Мазкур жамоалар бўлтур ҳар гектар майдондан 35—40 центнердан ғалла ҳосили кутаришганди. бу йил эса юқоридаги кўрсаткични гектар бошига 45—50 центнерга етказишга аҳд қилишган.

Хўжалик эса бу йил давлатга 3500 тонна дон топширишга бел боғлаган.

**Ахрор САМАРИДДИНОВ.**

# ИШОНЧ

## РЕКЛАМА — ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

РЕКЛАМА ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

### ДУШАНБА, 9

6.30 «Ассалом, Ўзбеки-стон!».
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
8.30 «Оҳангга тўлсин диёр».
8.45 «Ўзлик».
9.10 Спорт, спорт, спорт.
9.30 «Омад юлдузи».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Қино янгиликлари».
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 «Бу ҳам кино». Сериал.
11.50 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
12.10 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
12.35 «Жасур чўпон бола». Мультфильм.
12.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.15 — 14.00 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Бизнинг азиз боболар».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 Навоийхонлик. I. «Навосиз улуснинг навобахши бўл...».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Навоийхонлик. II. «Айладим ул мамлакатни яккалам...».
22.05 «Ўзбектелефильм» премьераси. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм, 9-қисм.
22.50 Навоийхонлик. III. «Кўнглум ичра...».
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ II**

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.00 «Ойдин қадамлар».
19.15 Бурч ва масъулият.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 Кундалик.
21.10 «Санта-Барбара».
21.55 «Ғазал соғинчи».
22.15 «Бешинчи ўлчов».
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.55 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.

**ЎзТВ III**

18.15 Янгиликлар.
РЖТ 18.20 — 21.35
21.40 «Каскадерлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».
РДТ 22.00 — 22.30
22.35 «Ҳеч қачон, йўқ дема». Бадиий фильм. 1-серия.
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).

**ЎзТВ IV**

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.25 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Мусиқали танаффус».
20.25 «Ҳамкорлик».
20.45 «Намастэ».
21.05 «Ширу-шакар».
21.30 «Чинор» видеоканали:
«Умид».
«Айчурек».
«Якташлар».
22.30 «Спорт-тайм».

**30-канал**

16.05 «Меросхўр». Телесериал (Бразилия).
17.00 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун сериал (Франция).
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Ҳамроҳ». Телесериал (АҚШ).
19.00 «Лабиринт». Телесериал (Бразилия).
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Тунги мультик».
20.50 «Алондра». Телесериал (Мексика).
21.20 «Клип-сюрприз».
21.30 «ТВ-ҳамкор».
21.50 «44-ой». Фантастик жангари фильм.
23.30 «МЭШ госпиталидаги бошоғриқ хизмат». Телесериал (АҚШ).
Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Лабиринтга кириш». Детектив. 1-серия.

**ҚозТВ**

6.00—7.30 Тонгги дастур.
17.00 Телефильмлар.
18.00 «Хит-парад».
18.10 «Гутен абенд!».
18.35 «Круиз». Телеальманах.
18.50 «Ютуқ» салони.
19.00 «Мегаполис». Телеўйин.
19.20 «Сифат».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Прессинг».
21.50 Телетеатр.
22.10 «Ютуқ» салони.

**РЖТ**

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.00 «Мўъжизалар майдони».
11.00 «Сиҳат-саломатлик».
11.30, 19.30 — «Куйини топинг!».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.05 Олтин серия. «Бу воқеа Пеньковда содир бўлганди».
15.25 Мультсериал.
15.50 «Юлдузли онлар».
16.25 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
16.55 XVIII қишки Олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Жуфтлар. Қисқа дастур. Наганодан кўрсатилади.
19.05 «Тиғиз пайт».
20.00 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Полтергейст». Сериал.
22.45 Хоккей ҳамда тугалланмаган роман. Татьяна Буре «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
23.15 XVIII қишки Олимпиада ўйинлари. Биатлон. 15 км. Хотин-қизлар. Чаналар. Эркаклар. Наганодан кўрсатилади.

**РДТ**

7.00 Мультфильм.
7.10 «Православ тақвими».
7.15 «Уйғон».
7.30 «Қизил китоб». РДТнинг экологик экспедицияси.
8.00, 23.05 — «Навбатчи қисм».
8.10 «Товарлар — почта орқали».
8.15 «Стронг» таништиради.
8.20 «Ён дафтарингизга».
8.25, 00.15 — Қишки Олимпиада ўйинларида. Чанғи (эркаклар) 30 км.
10.00, 21.25 «Графиня де Монсоро» телесериали.
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.30 — «Вести».
11.30 «Аншлаг» ва К°.
12.30 Қишки Олимпиада ўйинларида. Тоғ чанғиси. Коньки (эркаклар).
14.30 «Тоғлик». Бадиий фильм.
16.00 «Графоман».
16.10 «Пуллар».
16.30 «Кичик дайди».
17.30 «Кроссворд».
18.05 «Бир воқеа тарихи».
18.20 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. Нью-Йоркдан олиб кўрсатилади.
20.30, 24.00 — «Тафсилотлар».
20.45 «Олимпиада курьери».
22.35 «Довгань-шоу».

**ТВ-6**

9.05 Мультфильмлар.
9.40, 16.00 — «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
10.00, 19.35, 02.35 — «Диск-канал».
10.25, 20.10, 02.20 — «Йўл назорати».
10.45, 13.45, 16.45 — «Дорихона».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 02.10 — «ТСН-6».
11.10 «Спорт хафтаси». Наганодан олиб кўрсатилади.
11.50 «ОСП-студия».
12.40, 22.00 — «Вавилон-5». Фантастик сериал. 42-43-сериялар.
13.25, 16.10, 18.45 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.10 «Муқаддас нарсаси йўқ» фильми.
15.35 «Сифат белгиси».
17.10 «ТВ-6» кинотеатри. В. Кикабидзе «Мен терговчиман» фильмида.
19.05 «Адашган дунё» сериали 12-серия.
20.30 «Бенни Хилл шоуси».
20.50 «Ойижонлар». 21-серия.
21.20 «Ҳафта ҳалокатлари».
23.00 «Шу куннинг янгиликлари».
23.30 «Сиёсий қалам наханглари» ток-шоуси. Валерия Новодворская.
00.25 «ТВ-6» кинотеатри. Е. Леонов, Т. Васильева «Дуэня» фильмида.

**НТВ**

8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 12.00 — «Бугун эрталаб».
11.05 «Ажабтовур бесўнақай». Сериал. 6-якунловчи серия — «Енгилмас ёввойининг ўлими».
12.10 Кеча «Якунлар»да.
13.10 «Рус қиши». Енгил атлетика бўйича халқаро турнир.
13.40 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
14.00, 16.00, 18.00 — «Бугун кундузи».
14.20 «Эски телевизор эслайди: «Минотавр ҳузурига ташриф». 6-қисм.
16.20 Кино олами. Мари-Элен Брейа, Матье Каррьер Эдуард Молинаронинг «Хавфли шафқат» фильмида (Франция).
18.20 «Сезам кўчаси».
18.50 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал. 56-серия.
19.40 «Ҳукумат ўлдирганда...» Ҳужжатли сериал. 3-якунловчи серия.
20.10 «Нафи тегади».
20.20 «Криминал».
20.35 «Футбол клуби».
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомда».
21.40 «Шу куннинг қаҳрамони».
22.00 «Фанфан муҳаббатининг нозик атри» комедияси (Франция).
00.50 «Бегона халқ» фантастик триллери. 1-серия
01.40 Олимпиада соати. «Бизникилар Наганода».
02.45 «Сегоднячко».
03.10 «Бугун ярим тунда».

### СЕШАНБА, 10

**ЎзТВ I**

6.30 «Ассалом Ўзбеки-стон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газетала-ри-нинг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим». Концерт.
9.10 «Биржа ва банк хабарлари».
9.25 «Фан — тараққиёт негизи».
9.45 Спорт масканларида.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Олов дамини даф этиб...».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
12.00 «Олам ва одам».
12.20 «Беодоб бола». Мультфильм.
12.30 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.50 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
13.15 — 14.00 А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кўзгу». Ўсмирлар учун тележурнал.
18.35 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.00 «Мусиқий саёҳат. Буюк Ипак йўли». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
Энди икки оғиз сўз оилавий ҳаётнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳақида. Ўзбекларда қадим-қадимдан оилада болани ота-она ва умуман катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш одат бўлиб келгани маълум. Ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисалар сингари бу мавзу — энг қадимий халқ оғзаки адабиёти намуналаридан тортиб барча ёзма адабиётларимизда, шу жумладан, XX аср адабиёти тарихига оид асарларда ҳам ўз ифодасини топган, зеро, адабиёт ҳаёт ойнаси, халқимизнинг маънавий маҳсули экан, у аввало ўзининг асл ҳаққонийлиги билан қимматлидир. Модомики, шундай экан, чинакам миллий адабиётда халқнинг миллий фазилатлари ўз аксини топади. Масалан, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ёки «Меҳробдан чаён» романларида тасвирланган турли табақа вакиллари хатти-ҳаракатларига бир назар ташлаб кўрайлик-чи, нималарни тасаввур қиламиз? Отабек асли Ҳасаналининг хўжайини. Ҳасанали унинг қули. Аммо ҳар икки сиймо ўртасида кечаётган алоқалар, муомалаларда риоя қилинаётган одоб-ахлоқ ҳар қандай савиядаги софдил инсоннинг ҳавасини келтиради. Бу асли ҳар икки томоннинг оилада олган таълим-тарбиясидан ҳосил бўлган маънавий оламнинг юксаклиги натижаси эди...

Миллионлаб китобхонларни мафтун этиб келаётган бундай инсоний фазилатларни 20—30-йиллардаги қизил империя ялтоқлари — адибнинг энг катта иллати деб баҳолашди; ёзувчини айблашдаги катта «жиноятлардан бири шу» деб кўрсатилди. Чунки қизил империяга миллий фазилатларни йўқ этиш кун тартибидаги биринчи масала бўлиб қолган эди.

Отабекнинг ўз оиласини тузиш, Анварнинг Раъно билан жуда ҳалол — исломий ақидалар заминида қовушишга интилиши-чи? Бир эсланг, Раъно билан Анвар неча марта учрашади, кўришади, аммо Тошкентга кўчиб келгандан кейин-то Эски жўвадан бошпана топиб, бир неча одамларни меҳмонга таклиф этиб, никоҳ ўқитмагунча — Раъно билан қўшилмаганини бир кўз олдимизга келтирсак, оилавий ҳаётга нақадар муқаддас бир даргоҳ сифатида қараб келган ота-боболаримиз руҳларига муттасил таъзим қиламиз, уларнинг хотираларини зўр иззат-ҳурмат билан тилга оламиз. Асл ўзбекнинг миллий оилавий ҳаёти ўша пок инсонлар бўлиб, уларнинг авлод-аждодлари эканлигимизни унутишга ҳеч биримизда маънавий ҳуқуқ йўқдир...

Ана шуларни эсга олганимизда биз ўзлигимизни чуқурроқ пайқаб қоламиз, миллий анъаналаримизнинг энг илғор фазилатлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаётгани, ҳозирги оилавий ҳаётимизда улардан ибрат сифатида фойдаланиш нақадар зарурлигини ҳис этамиз...

Энди яна бир шу масалага оид миллий хусусият ҳақида. Пушкин ва Лев Толстой руслар учун қанчалик буюк сиймолар бўлса, бизлар учун ҳам айни шундай бебаҳо даҳолардир. Абдулла Қодирий, Чўлпондан тортиб барча катта ёзувчиларимиз уларнинг асарларини севиб ўқиганлари, улардан маҳорат сирларини ўрганганликлари ҳақида махсус мақолалар ёзганлари маълум. Гап ана шу буюкларнинг асарларидаги миллий хусусиятлар ҳақида боради. Пушкиннинг «Капитан қизи» ёки Лев Толстойнинг «Анна Каренина»си дунёда энг катта обрў қозонган асарлардандир. «Капитан қизи»даги эндигина армияга кузатилаётган Пётрнинг отаси эркатой боласи ёнига кузатувчи қилиб-қули Савелични қўшиб юборади.

Йўлда малай болага қараб юриши, уни эсон-омон манзилга етказиши топширилган. Аммо йўлда Пётр маишатхоналарда ичиб-кайфи ошиб қолган кезларда — Савелич уни тартибга чақиришга мажбур бўлади, чунки ота-оналари олдида у жавобгар эди. Аммо ёшгина Пётр ўзининг хўжайинлигидан фойдаланиб Савелични жеркиб ташлайди, ҳақорат қилади, сукади, уришади, «сен менга хўжайинлик қилишга ҳақинг йўқ, жуна кўполлик қилади... Савелич ҳам жавобгарлик, ҳам ҳақоратлардан ўкраб йиғлайди, ташлаб кетолмайди ва ҳоказо...

Эҳтимол бундай муомала бошқаларга унча иллат бўлиб кўринмас, аммо бизда — Отабек билан Ҳасанали, ёки Анвар билан Солиҳ Маҳдум, ёки Сафар бўзчилар ўртасидаги муомалаларга солиштирилганда ундаги миллий тафовутлар ярқ этиб юзага чиқиб қолади... Ёки, «Анна Каренина»даги барча воқеалар Аннанинг ўз эрига кўнгилсизлиги-ю, кўнгли истаган йигитга қараб очиқдан-очиқ интилиш заминида рўй беради... Бу ҳолатлар тасвир этилган жараёнлар оврўполиларга жуда оддий ҳақиқат, ҳаётий-табиий кўринар, аммо бирорта ўзбек бу хилдаги оилавий ҳаётни тан олмайди... Бундай ҳолатни сезган дастлабки кунданоқ-оилавий ҳаётни йиғиштириб қўяди, бундай ҳаётнинг барбод бўлиши муқаррар деб қаралади... Бундай муносабат бизда оилавий ҳаётнинг муқаддаслигини таъминлайди дейилса, хато бўлмаса керак...

Шу нуқтаи назардан қаралганда, айрим барчага намуна қилиб кўрсатилаётган (телерадиода ва бошқа ахборот воситаларида) ҳавас қилса арзигулик оилалар билан бирга — хароб бўлаётган оилалар ҳақидаги маълумотларга дуч келганимизда, юракларимиз орқага тортади, вужудимиз изтироб гирдобида қолади... Кечагина радиода Қорақалпоқдан Тошкентга ўқишга келиб бир йигит билан топишган бир қиз (Тахиатошлик) никоҳсиз-бошқасиз фарзандли бўлиб қолгани фожиаси эшитганларнинг ҳаммасини ҳаяжонлантириб юборди. Қиз ўқиб юрган кезларида ўғил кўриб, боласини Тахиатошдаги ота-онасига ташлаб келади. Ўзи Тошкентга қайтиб, яна бировга тегади. Уч қиз кўради. Бу йигит ҳам уз уч фарзандини, тахиатошлик аёлни ташлаб кетади. Бу аёл ота-онаси қўлида ўсиб 20 ёшга етган ўғли билан жанжаллашиб қолади, она боласини бўғиб ўлдиради. Бола аллақачон тарбияси бузилиб — гиёҳванд бўлиб қолган экан. Она боласини сим билан бўғиб ўлдиради. Бу ёқда уч қиз ёш...

Яна ўтган йили республикамиз ички ишлар вазири муовинни телеэкранда икки марта чиқиб эълон қилган маълумотларни бир эслайлик. Бирлашган Араб Амирликларига гастролга бориб фоҳишалик қилган ўзбек аёллари-ю, уларнинг қўлга тушиб қамалганлари ҳақидаги аянчли маълумотлар — кимни ташвишлантирмайди?! Халқимиз, миллатимиз шаънига доғ туширган бундай аёллар-оила деган муқаддас тушунчадан нега бунча узоқлашиб кетдилар?! Бундай фожиаларни бизга кимлар келтирди???

Ёки. Эндигина 19 ёшга кираётган ўзбек қизига беш юз доллар ваъда қилиб — Бирлашган Араб Амирлигига учириб олиб кетаётган армани аёлнинг ушланиши ҳақидаги ахборотни эсланг.. Ахир 19 га кираётган қизнинг бутун тақдири олдинда, тўғри йўлдан бориб оила қуриш арафасида шундай хиёнату-жиноятга аралашувига йўл қўйиб бўладими? Ўша қиз қайтиб келиб бир бечоранинг уйини куйдириши — умр бўйи оиладек бир муқаддас даргоҳни гуноҳлар, хиёнатлар, жиноятлар билан тўлдириб ташламайди деб ким кафолат бера олади?!

Ана шундай аҳволларни кўрганингда — яна ўша буюк зотларимизнинг маънавий мероси, уларда кўтарилган абадий барҳаёт ғоялар бирма-бир ёдга тушади. Беҳбудий «Падаркуш»да, Фитрат «Бедил», «Арслон», «Ҳинд ихтилолчилари», А.Қодирий «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»да, Чўлпон «Ёрқиной»да ёшлар тарбияси-ю, оилавий ҳаётнинг нақадар муқаддаслиги-бутун миллатимиз, ватанимиз ва ҳатто бутун инсоният тақдирида нақадар буюк аҳамиятга моликлиги ҳақида ғоят қимматли ғояларни олға сурганлар...

Бу буюк аждодларимизнинг маънавий ҳазинаси биз учун абадий бебаҳо таълим-тарбия манбаи бўлиб қолаверади. Зеро, бу-бизга истиқлол ато этган энг буюк маънавий неъматдир...

**Аҳмад АЛИЕВ.**

*Ҳайрат*

## ШОИРНИНГ ЖАСОРАТИ

Маълумки, Бухоро амири Насрулло Қўқонга бостириб келиб уни олади. Бунинг сабаби қилиб Қўқон ҳукмдори Муҳаммадалихоннинг ўз отаси Умархоннинг канизагига уйланиши кўрсатилади, гўё бу қиз ёшлиги учун Амир Умархон уйланмаган бўлса ҳам уни ўз никоҳига олиш муддаосини билдирган ва натижада Муҳаммадалихонни энг оғир исломий жиноят — модар зиноликда айблашади. Бунинг жазоси сифатида Амир Насрулло Муҳаммадалибек, унинг укаси ва уч ёш ўғлини қатл қилдиради. Бу қатлга қаттиқ норозилик билдирган хоннинг онаси — машҳур шоира Моҳлар ойим ва унинг яқинлари бўлган уч аёл билан бирликда қатл этилади.

Бу воқеа ўша давр соф кўнгилли кишиларини даҳшатга солди. Амир Насрулло ўз қонхўрликларидан қониқиш ҳосил қилиб Бухорога қайтар экан, ўзига яқин бўлган шоир Мирзо Жунайдулло Ҳозиққа: «Бизни бу сафардан зафар билан келганимизни бир шеърга солиб, бир нима денг», — деб фармойиш қилди. Шунда Шоир Ҳозиқ шу пайтнинг ўзидаёқ ушбу шеърни ўқиди:

Буриди бар қадди худ аз маломат,
Либоси то ба домони қиёмат.

(Ўз қаддингга лаънатлардан шундай бир либос тикиб кийдингки, у либос то қиёматгача қолади).

Амир бу байтни эшитди-ю, рангида қатра қони қолмади. То Ўрдага кириб кетгунча лом-мим демади.

Шоир Ҳозиқ бу шеъри учун Амирдан яхшилик кутмаслигини билиб, ўша кечаси Шаҳрисабзга жўнаб кетди. Амир эрталаб: «Ҳозиқ Маҳмуд саломга нега келмади?» — деб сўради. Суриштириб, Шаҳрисабзга кетганларини айтишди. Амир: «Келсунлар», деб чақириқ қоғози юборди. Аммо Эшон Ҳозиқ: «Борсам барибир ўлдиради», деб келмади. Амир уч марта одам жўнатди, келмади. Амир дарғазаб бўлиб, бошқа чора излади. Зиндонда бир ўғри ётарди, уни чиқариб: «Жўнайд Маҳдумнинг бошини олиб келсанг банддан бутунлай озод бўласан ва душворлик кўрасан», деб ваъда қилди. Каллакесар ўғри Шаҳрисабзга келиб, Ҳозиқ маҳдумнинг қаердалигини билди, уни Шаҳрисабз ҳокимининг қирқ миршаби пойлаб турарди. Кириш иложини тополмай қасд қилиб, пайт пойлаб юрди. Иттифоқо бир кун эшонни зиёрат қилгани келган бемор сифатида унинг қошига кириб борди, кўнглини олиб, ўша жойда ётиб қолди ва кечаси бошини олиб Амир Насруллога олиб келди. Қонхўр Амир бу «ғалаба»си билан мағрурланиб қўйди. Лекин узоққа бормади: «Ал қасосул мин-ал ҳақ» мақоли амалга ошди.

Жасоратли аждодимиз Эшон Жунайдулло Ҳозиққа ва ушбу воқеотни ўзининг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар насаби ва хоқонлар тарихи») китобида дарж этиб кетган адиб Мирзаолим Мушрифга тангридан раҳмат тилаб ҳикоямизга нуқта қўямиз.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлаган.**



*«Фил суриб, от ўйнатиб»*

## ШАХМАТ ВА ТАБОБАТ

... Карпов иштирок этаётган матч ўтиб турган вақтда Янаш Флеш Москвада эди. «Комсомольская правда» газетасининг шахмат шарҳловчиси В. Кепкин у билан бўлган суҳбатда 14 йил олдинги рекорддан сўз очди:

- Янаш! Ўша сеансда ўйнаган ҳамма партияларингизни ҳозир кўрсата олармидингиз?

- Сеансдан кейинги ярим йил мобайнида кўрсата олардим. Энди эса энг яхшиларинигина кўрсатишим мумкин.

- Сеанс пайтида ўзингизда бирор ўзгариш сездингизми?

- Ҳеч нарса сезмадим: ўйнадим, холос. Ҳамма нарса росмана бўлган шекилли, мени кузатиб турган врачларнинг авзойи бузилмади. Бундай сеанслар саломатлик учун хатарли эканлигини билардим. Лекин врачларнинг маслаҳати билан ҳамма эҳтиёт чораларни кўрдим, хавфни писанд қилмадим. Ахир, мени аллақачон «ўлимга бичиб» қўйишган эди-ку... Алехин шунақа сеанслар пайтида кофе ичиб, асабларини тутиб турган, лекин орадан кўп ўтмай юрагидан шикоят қилган. Мен бўлсам икки бўлак шоколад, икки стакан лимон шарбати ва уч дона хом тухум билан кифояландим. Мия қон томирлари торайишининг олдини олиш учун махсус машқлар қилгандим. Агар бир кунда олти килограмм озиб кетганимни ҳисобга олмасам, ҳаммаси жойида бўлди.

- Янаш, бундай хавфли ишга сизни нима ундади?

- Касаллик. Врачлар «ўлимга бичиб» қўйгандан кейин, бирон-бир муҳим фойдали иш қилиб улгуришга аҳд қилдим. Бу фақат рекордга интилишгина эмас эди. Мен инсон мияси жуда чидамли эканини, биз унинг битмас-туганмас кучқудратининг озгина қисмидан фойдаланишимизни исботлашни истадим...

- Хўш, қандай қилиб касалдан қутулдингиз?

- Буниси сирлигича қолди. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича ўпкамда қандайдир ўзгаришлар рўй берганмиш- ренген сурати шишни кўрсатганмиш. Баъзи врачлар ўз-ўзидан тузалиб кетишимга, миянинг ҳаддан ташқари зўр бериб ишлаши организмга таъсир кўрсатганлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин, дейишмоқда.

1974 йил охирларида Тошкентда ўтказилган аёллар халқаро турнирида иштирок этган руминиялик 24 яшар Маргарет Мурешан бундай ҳикоя қилган эди:

- Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимда бетоб бўлиб қолдим. Хаёлим қочарди. Акамдан бирон китоб олиб келишни илтимос қилдим. Шахмат қўлланмасини келтирибди-ю, аммо тахтаси йўқ. Қўлимда китоб, холос. Фикран тасаввур қилишга ҳаракат қилдим. Назаримда оғриқларим ҳам қолаётгандай туюлди. Кўп ўтмай тузалиб кетдим. Икки йилдан кейин шахмат мастери бўлиб олдим. Мени дарддан халос этган нарса шахмат деб, унга бошқача меҳр қўйганман...

Кейинги пайтларда тиббиётда баъзи беморларни маълум вақт давомида бутунлай ёки қисман оч қўйиш, гипноз қилиш йўли билан таъсир кўрсатиш, даволаш, яхши натижа бераётганини ёзишмоқда. Хўш, бу борада табобат аҳли шахмат ўйинини ҳам «муомалага киритса» қалай бўларкин-а? Бунинг учун Алехиндан ёки Флешдан нусха кўчириш шарт эмас. Гап, меъёрини билишда қолган.

Шахмат тожи учун расмий воқеалар бошланганига юз йил биринчи жаҳон чемпиони Вильгельм Стейниц туғилган кунга 150 йил тўлиши муносабати билан баъзи манбаларни кўздан кечираётиб, ажиб маълумот ва табаррук хулосаларга дуч келиб қолдим.

Прагалик В.Стейниц нафақат биринчи жаҳон чемпиони, балки шахматда позициявий таълимотнинг яратувчиси ҳамдир. У ўз нуқтаи назарини 1889 йилда чиққан. Ҳозирги замон шахмат ўйини дарслигида кенг суратда баён қилиб берган эди. Бу ўринда биз ўша китобнинг энг қизиқарли бобидан парча келтирамиз:

...Бизнинг олижаноб ўйинимизда бошқа ҳамма ўйинларда кучнинг асосий элементини ташкил этувчи тасодифий ҳол (фақат вақтинча таъсир кўрсатувчи омилларини ҳисобга олмаганда) ҳеч қандай роль ўйнамайди, шунинг учун ҳам шахмат матчларининг натижаси бутунлай илмий ва мантиқий асосларга суянади. У йилнинг бошида иккала томон ҳам бир хил шароитда бўлади, шахмат қўшинларининг ҳаракату таъсирини бир хил қоидалар белгилайди. Бинобарин, шахмат ўйинидаги кураш натижасини оқлар баҳси ҳал қилади, ундаги мавжуд комбинацияларнинг турли-туманлиги эса машқлар, демакки, ақлнинг мантиқий ва образли қобилиятига ҳам кенг шароит яратиб беради.

**(Давоми бор).**



**Дилхуш машқлар**
**(1,2,3,4 - диаграммалар қўйилади)**

**Тасвирлардаги барча этюдларда оқлар бошлаб ғалабага эришади.**

*Шифокор огоҳлантиради*

## ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Ўзини эҳтиёт қилмаган кишига огоҳлантиришу таъқиқ ҳеч наф бермайди. Қуйидаги ҳолат фикримизнинг далилидир.

Маълумки, ҳар йили шифокорлар тегишли санитария хизмати ходимлари томонидан саломатликни сақлаш чоралари бўйича аҳоли ўртасида тушунтиришлар олиб борилади. Аммо айрим фуқароларнинг бунга амал қилмаслиги, шахсий эътиборсизлик оқибатида юқумли касалликларга ёки бошқа дардларга чалиниш ҳоллари учраб турибди.

Каттақўрғон тумани А. Назаров номли жамоа хўжалигида Кўкча қишлоғида яшовчи Вафоевлар оиласининг етти нафар фарзанди баравариға шифохонага ётқизилди. Туман марказий шифохонаси тиббий ходимларининг малакали ёрдамига қарамасдан саккиз ёшли Хадича ҳаётдан кўз юмди. Тиббий текширишда бу оила аъзоларининг заҳарли ўт уруғи-алколоидларидан заҳарлангани маълум бўлди. Вафоевлар хонадонидан олинган нон, тегирмонда тортилган ун, буғдой лаборатория таҳлилидан ўтказилганда шифокорларнинг ташҳиси тасдиқланди. Бу маҳсулотлар таркиби заҳарли кампирчопон, кўкмараз каби бегона ўтлар уруғи ва алкалоидлар аралашмаси бор экан.

Кейинроқ аниқланишича, улар буғдойни Иштихон туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги ҳудудидан олган. Кўкча қишлоғи тегирмончиси Усар Тўйчиев эса тегирмонда тортишдан олдин буғдойнинг тозалигига эътибор бермаган.

Очиғи олдинги йилларда вилоятнинг Иштихон, Пайариқ, Челак, Қўшработ туманларида шу каби енгил заҳарланиш ҳоллари рўй берган, санитария-эпидемология идоралари томонидан огоҳлантириш ва тавсиялар берилганди. Шунга қарамасдан хўжаликларда, томорқаларда ғаллазорлар бегона ўтлардан тозаланмаяпти. Бегона ўт босган майдонлар алоҳида ҳисобга олинмаяпти. Дон маҳсулотлари тозалигини таъминлашда давлат карантин ва уруғчилик инспекцияси кўраётган чоралар етарли бўлмаяпти. Хўжаликларда етиштирилаётган ғалла эса меҳнат ҳақи ёки моддий ёрдам сифатида аҳолига назоратсиз тарқатилмоқда.

Каттақўрғондаги ҳодисадан кейин вилоят санитария-эпидемология идоралари томонидан барча бозорларда сотилаётган ғалла назорат текширувидан ўтказилди. Шу йил 9 январь куни Сиёб кечки бозорида шахси номаълум фуқаро (текширув чоғида у қочиб кетди) сотаётган 80 кг буғдой ранги текширувчилар эътиборини тортди. Бу дон маҳсулоти уруғликка мўлжалланган бўлиб, махсус кимёвий моддалар билан ишлов берилган экан. Фақат пул топиш дардига бошқаларнинг саломатлигини, ҳатто ҳаётини хавф остига қўяётган бундай шахсларнинг қилмишини қандай баҳолаш керак? Инсофни унутмаган яхши, албатта.

**Ю. РАҲИМОВ.**

*Академик Ш.Воҳидов ва космонавт -учувчи В.Жонибеков республикамизда аэрокосмик мактаб яратганлар. Мана 9 йилдирки космонавт бўлишни орзу қилаётган ўғил-қизларимиз бу ердаги машғулотларда фаол қатнашиб аэрокосмик фани сир-синоатларини чуқур ўрганишмоқда.*

**Суратда: Бўлажак космонавтлар Аэрокосмик мактабининг аълочи ва фаол ўқувчилари.**

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

## БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

-Онангникига ўзим билан бирга бориб келасан.
(Рашкчи эрнинг хотинига айтгани).

***

- Қарс икки қўлдан чиқади.
(Пораҳўрнинг суддаги кўрсатмасидан).

***

-Ўзиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми?
(Ҳамшираннинг семиз беморга саволи).

***

Бошлиқнинг қош-қовоғига қараб, кун бўйи иш жойимдан кета олмайман.
(Ходимнинг уйдагилар билан телефон орқали суҳбатидан).

*Эътироф*

## КАРИМ УЛОҚЧИ

Назаримда киши қанча билса шунча озга ўхшайди. Баъзан ўзинг гувоҳи бўлган ёки эшитган воқеаларда қандайдир илоҳийлик борлигини ўйлаб қоламан. Андижондаги йўламатоллик қариялар билан суҳбатлашсангиз 20-йилларда яшаган Карим улоқчини мамнунлик билан эслашади. Айтишларига қараганда Карим улоқчининг кўк бедов оти бўлган. Унинг таърифини эшитган узоқ-яқин қишлоқлардаги одамлар кўк бедов қатнашадиган улоққа албатта келишар эканлар. Ўша замон одатига кўра улоқ тугагач, улоққа қўйилган тана олиб қочилар экан. Навбатдаги улоқдан сўнг Карим улоқчи танани олиб тўғри ўз қишлоғига от қўяди. Мезбонлар учун танани қўлдан чиқариб юбориш уят бўлганидан юзлаб отлиқлар улоқчи ортидан қува бошлайди. Таъқиб жуда шиддатли бўлади. Лекин Кўк бедовга етиш ҳам осон эмас экан. Шундай бўлса ҳам, кенг дала бўйлаб ёйилган чавандозлар Карим улоқчини ҳар томондан қисиб келиша бошлайди. Қуршовда қолган улоқчи отининг бошини бўш қўйиб юборади. Лекин 5-6 чақирим йўл юришгач, олдиларида пахса деворли эски қўрғон кўринади. Улоқчи қопқонга тушгандай бўлади. Атрофдан қувгувчиларнинг шод қийқириқлари эшитила бошлайди. Шу аснода қўрғоннинг ўртасида эшик кўзга ташланади. Улоқчи:»Ё, Аллоҳ, ўзингга таваккал қилдим!»- дейди-ю, отнинг бошини эшикка тўғрилайди. Устида чавандози ва тана билан от шу эшикдан ўқдай учиб ўтиб кетади-ю, таъқибчилар қўрғон олдига келиб таққа тўхтаб қолишади.

Орадан бир неча кун ўтгач, улар Карим улоқчидан: «Сиздан илтимос, ўша ўтган эшигингиздан яна бир ўтиб берсангиз»,-дедилар. Ҳамма ўша қўрғон олдида отдан тушишади. Карим улоқчи эшик олдига боради. Эшик улоқчининг гавдасига нисбатан шундай кичик эканки, ундан от ва тана тугул улоқчининг ўзи ҳам энгашмасдан ўта олмаслиги маълум бўлади. Буни кўрганлар ёқа ушлаб қоладилар. Худонинг қудратига яна бир бор имон келтирадилар.

Уш, Аравон, марҳамат, Булоқбошида юрган Мўйдин қўрбоши бу отнинг таърифини эшитиб, уни зўрлик билан тортиб олади. Лекин Кўк бедовни минишнинг ҳеч эпини қилолмайди. От олдига бировни яқинлаштирмайди. Бу пайтда Карим улоқчи энг обрўли оқсоқолларни ўртага қўйиб, отини сўрайди, ўрнига бошқа от олиб беришини айтиб уларни қўрбошининг ҳузурига жўнатади. Қўрбоши отни бермагач, ўзи қўрбошининг олдига боради.

«Ҳа, Карим улоқчи сенмисан?»-дейди уни кўрган қўрбоши, - бунинг отини тайёрлаб қўйинглар».

Утовдан чиққач, Карим улоқчига бир қоп гўшт тутқазишади. Қўрбошининг йигитлари отни сўйиб гўштини қопга солишган экан.

Ушанда Карим улоқчи ёнидагиларга қараб: «Қўрбоши менга «Карим улоқчи» сенмисан?-деганида кўкрагимга найза санчилгандай бўлди, кўзи бор экан»,-дейди-ю, уйга келгач, хотинига: «У ёқ-бу ёқни йиғиштириб қўй. От кетди. Мен ҳам тайёр бўлганга ўхшайман»,-дейди. Эртасига улоқчининг дўстлари, унинг олис-яқиндаги муҳлислари кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш билан унинг тобутини кўтаришади...

**Собир ҲАКИМОВ.**

# Ядро қуролларини тарқатмасликнинг минтақавий механизмлари глобал хавфсизликни мустаҳкамламоқда

**МАГАТЭ Бош директори Муҳаммад ал-Барадай «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб берди**

БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессияси ўтган йилнинг охирида қабул қилган махсус резолюцияси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилишининг янги босқичи бошланганини билдирди. Бирлашган Миллатларнинг бу ҳужжати дунёнинг барча мамлакатларини Марказий Осиё ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақиради, унда халқаро ҳамжамиятни минтақадаги давлатларга янги ядро қуролидан холи ҳудуд (ЯҚХҲ) яратиш тўғрисидаги шартноманинг шакл ва услубларини ишлаб чиқишда ёрдам беришга чақирувчи мурожаат ўрин олган.

Бизнинг минтақамизда ядро хавфсизлиги ҳудуди яратиш ғоясини биринчилар қаторида қўллаган халқаро ташкилотлар орасида сўзсиз 120 давлатни бирлаштирган МАГАТЭ — Атом энергияси бўйича халқаро агентликни тилга олиш керак. Ўзбекистон 1994 йилнинг январидан ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади ва ўшандан буён МАГАТЭ билан ҳамкорлик ривожланмоқда.

**— Жаноб ал-Барадай, МАГАТЭда Марказий Осиё давлатларининг глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш маъносида ядро қуролидан холи, янги ҳудуд яратиш ташаббуслари қандай баҳоланмоқда?**

— Бугунги кунда ядро қуролини тарқатмасликни назорат этиш дунё ҳамжамияти олдида турган энг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги ялпи Шартнома билан бир қаторда ядро қуролини тарқатмасликни назорат қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай минтақавий ҳудудлар сайёрамизнинг турли жойларида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамловчи восита сифатида яратилган.

Ядро қуролидан холи биринчи ҳудуд Лотин Америкасида, Тлателолко номи билан машҳур битим имзоланганидан сўнг ташкил этилган. Сўнгра Тинч океанининг жанубий қисми ва Африка қитъасида ЯҚХҲ яратиш тўғрисидаги Раротонга ва Пелиндаба шартномалари пайдо бўлди. Бангкок шартномасининг имзоланиши билан бундай ҳудуд Жанубий-Шарқий Осиёда ҳам яратилди.

Мазкур ҳудудлар минтақалар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддатини кўриб чиқиш ва узайтириш бўйича ўтказилган 1995 йилги анжуманда бундай ҳудудлар тушунчасига хавфсизликни мустаҳкамлашнинг қўшимча чораси сифатида қаралди, унда дунё мамлакатларига устувор тартибда ядро хавфсизлиги ҳудуди яратиш бўйича ишни давом эттиришга чақирувчи мурожаат қабул қилинди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ғоясини глобал ва минтақавий хавфсизлигини мустаҳкамлаш чораси деб қараш керак бўлади.

**Минтақанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олганда (улкан уран хомашёси ва уни қазиб олиш, бунга мос технология ва мутахассисларнинг борлиги, ядро қуролига эга бўлган ва эга бўлиш арафасида турган давлатлар билан қўшничилик) бўлажак ядро қуролидан ҳоли зонадаги тартибнинг афзалликлари тўғрисида сизнинг фикрингиз?**

— Ҳар бир минтақа ўзига хос хусусиятларига эга. МАГАТЭ иштирок этувчи давлатлар томонидан қабул қилинган ядро қуролидан холи зоналар барпо этиш тўғрисидаги битимга шартлар киритишни мақсад қилмаган, бу масалани мамлакатларнинг ўзлари ҳал этишлари керак.

Умуман айтганда хавфсизликни мустаҳкамлаш ЯҚХҲнинг мақсади ва бунга эришишнинг бир қанча усуллари бор. Минтақа давлатлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий мажбуриятлар аҳдлашувчи давлатларнинг ўзлари ва МАГАТЭ каби глобал халқаро ташкилот томонидан, шунингдек, юқоридагилар ҳамкорлигида верификация (назорат ва амалга оширишнинг муайян тизими) қилинади. Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатлар ўртасидаги фаол ҳамкорлик хавфсизликни ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим томонидир.

Агарда ҳозиргача барпо этилган ядро қуролидан ҳоли зоналарга бир назар соладиган бўлсак, турли мамлакатлар турлича мажбуриятларни зиммаларига олганлар. Тлателолко шартномаси асосан ядро қуролларини ишлаб чиқаришни тақиқлашга қаратилган. Раротонга битими ядро қуролларини ишлаб чиқаришни тақиқлаш билан бирга, ядро чиқиндиларини денгиз тубига кўмишга қарши. Пелиндаба битими эса юқоридаги мажбуриятлардан ташқари ядро компонентлари сақланаётган жойларга ҳарбий ҳужумни, ядро материаллари ва қурилмаларининг физик ҳимояси верификациясини МАГАТЭ ва бунинг учун махсус тузилган ҳайъат воситачилигида келишиб олишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Шу тарзда қатор мажбуриятлар мавжудки, уларнинг қабул қилиниши айрим минтақа мамлакатлари томонидан белгилаб олинган хафвсизлик концепциясига боғлиқ: улар ядро қуролларини ишлаб чиқаришни тақиқлаш билан чекланиш ва ўз ўрнида бошқа жиҳатларни ўз ичига олган ҳолда уларни кенгайтириши мумкин. Бу эса, хавфсизлик масалаларининг муайян муаммоларига ва ҳозирги вазиятта боғлиқдир.

**— Ядро қуролидан холи янги ҳудудларнинг барпо этилишида ва мавжуд ЯҚХҲларда тартиб ўрнатилишида МАГАТЭнинг роли қандай?**

— Верификация, назорат — ҳар қандай ядро қуролидан холи ҳудуднинг муҳим компонентидир: аҳдлашувчи томонлар олинган мажбуриятларнинг бажарилишига кафолат истайдилар. МАГАТЭда тўпланган тажриба ушбу жараённинг муҳимлигидан далолат бериб турибди. Агентлик ЯҚХҲларнинг барпо этилишида бевосита қатнаша олмайди, бундай масалаларни томонларнинг ўзлари ҳал этадилар. Бироқ биз томонлар олган мажбуриятларга мос турли шаклдаги маслаҳатлар, техник ёрдам кўрсатишимиз мумкин.

ЯКХҲ барпо этилиши тўғрисидаги битим имзоланганидан кейин МАГАТЭ олинган мажбуриятларни верификация қилишга кўмаклашиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, мавжуд зоналар барпо этилгандан кейин агентликка иштирок этувчи давлатлар томонидан шундай аризалар тушади. Верификация агентликка боғлиқ бўлмаган ҳолда, шартнома иштирокчилари ўртасида ва уларнинг ҳамкорлигида амалга оширилади.

Верификациянинг турли шаклларини томонларнинг ўзлари кўриб чиқадилар ва келишиб оладилар. МАГАТЭ ядро қуролидан ҳоли янги ҳудудлар барпо этиш борасидаги музокаралар жараёнида верификация вариантларини танлашда кўмаклашиши мумкин.

— Афтидан бугунги кунда, ядро қуроли ва унинг компонентларининг тарқалиб кетишига қарши кураш — келажак XXI асрда инсониятнинг осойишта ҳаёти таъминланган хавфсиз дунё яратишнинг асосий шартларидан биридир. Жаноб ал-Барадай, бир лаҳза ишониб бўлмайдиган бир нарсани фараз қилайлик: МАГАТЭнинг фаолияти тўхтатилган, агентлик ўзининг назорат қилиш ва тартибга солиш имкониятларини йўқотган...

— Самарали верификация тизимисиз ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш жараёнини фараз қилишим қийин. Чунки верификация бундай тартибда ишлашнинг асосий омили ҳисобланади. Бу ўзаро ишонч ўрнатилиши тизимининг зарур заминидир.

Фақат кимларнингдир томонидан ядро энергияси ва ядро дастурининг ҳарбий мақсадларда ишлатилиши каби ишончсизлик муҳитининг хукмронлиги бу ерда муқобил бўлиши мумкин. Шунинг учун МАГАТЭ томонидан амалга оширилаётган верификациянинг глобал режими ядро қуролидан холи ҳудудлар доирасида минтақавий механизмлар ёрдамида назоратни қўллаб-қуватлаш ва мустаҳкамлаш учун муҳимдир.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**«Жаҳон» АА**
**махсус мухбири**
**Вена—Тошкент**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистондаги муҳолифат кучлари қўлида сақланаётган яна 44 киши асирликдан озод этилган. Миллий яраш комиссиясининг котиби Муҳаммадюсуф Ҳакимовнинг сўзларига қараганда бу билан мухолифат ўз устига олган мажбуриятларини бажарган. Ҳукумат томони эса шу кунгача 900 кишидан 60 кишини бўшатган. Мухолифат томони ҳукумат яқин кунларда уларни озод қилади деб умид билдирган.

***

Туркманистонда 19 феврал миллий байрам куни муносабати билан амнистия эълон қилинди. Бу фармонга мувофиқ етти минг киши авф этиладиган бўлди. Оғир жиноят содир этганлар ҳамда гиёҳванд моддалар билан шуғулланганлар авфдан мустасно.

***

Қозоғистон ҳукумати қонунни бузган шахсларга нисбатан жазони кучайтирадиган қарор қабул қилган. Бу қарорни қабул қилинишига кейинги пайтда мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Азамат», «Озод» ва бошқа халқ ҳаракатлари томонидан рухсат этилмаган намойишларни ўтказилиши сабаб бўлган. Ўтган йили казаклар ва уйғурлар томонидан 150 марта намойиш ўтказилган. Журналистлар билан бўлган учрашувда Қозоғистон бош прокурори Юрий Хитрун бундан буён қонунни бузувчиларга нисбатан қатъий чоралар кўриладиди, деб айтган.

***

Қозоғистонда кейинги йилларда баъзи касалликлар, айниқса сил касаллиги билан оғриган беморлар кўпайяпти. Бунга мамлакатдаги оғир иқтисодий аҳвол билан биргаликда баъзи шифокорларнинг касалларга яхши эътибор бермай бефарқ қараётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Кончилар шаҳри Жанатасда шифокор ва ҳамшираларнинг айби билан эмланган 150 болага туберкулёз юқтирилган. Бу болалар ҳозир касалхонага ётқизилган.

***

Туркманистон ва Озарбайжон Президентлари ўтган йили декабрда Эронда учрашганликларида Каспий ҳавзасидаги мунозара нефть ва газ конлари хусусида гаплашиб, бу масалани чуқуррок ўрганиб чиқадиган бир комиссия тузиш лозимлигига келишишган эди. Шу масалани муҳокама қилиш мақсадида Озарбайжон ташқи ишлар вазири Г.Гасанов бошчилигидаги экспертлар гуруҳи Ашгабатга келган.

**Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ●**

# НАГАНОДА БАЙРАМ

*Олимпиада қатнашчиси Лина Чирязова.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

Бугун Япониянинг Нагано шаҳрида катта спорт байрами. Чунки дунё аҳли орзиқиб кутган қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Икки ҳафта давомида қишки спорт турлари бўйича сайёрамизнинг навбатдаги нуфузли мусобақалари давом этади. Ўйинларнинг очилиш маросимида Олимпия машъаласини ёқишдек шарафли юмуш музда нафис учиш бўйича собиқ жаҳон чемпиони, Олбервил Олимпиадаси кумуш медали соҳибаси японлик Мидори Итога топширилади. Олимпиада дунё миқёсидаги воқеа ҳисоблангани учун унга Япон императори оиласи қатнашиши ва АҚШ вице-президенти Алберт Гор ҳамда қўшма штатларнинг биринчи ҳокими Хиллари Клинтон ташриф буюриши кўзда тутилмоқда.

Албатта, Наганога дунёнинг энг кучли спортчилари келишади. Аммо улар орасида бошқа соҳада машҳур бўлганлари ҳам бор. Масалан бобслей мусобақасида Монакодан шаҳзода Алберт қатнашади. Бу унинг тўртинчи олимпиадасидир. Шаҳзода илк бор 1988 йил Колгари олимпиадасида қатнашиб, 25-ўринни эгаллаганди. 39 ёшли шаҳзода Наганода ҳам юқори натижани қўлга киритиши мушкул. Аммо бу ерда асосий мақсад натижа эмас, балки Монако давлатининг байроғи борлигини ҳам эслатиб ўтишдир.

Қатнашувчи мамлакатлар сони рекорд натижа - 83 тага етди. Энг кўп спортчи юборадиган мамлакат Германиядан Наганога 135 немис спортчиси боради. Россия эса 126 спортчини стартга чиқармоқчи. Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими тугагач хоккей баҳсларига старт берилади. Бизнинг юртдошларимиз эса эртага беллашувларга киришадилар. Тоғ чанғи спортида ўзбекистонлик ягона спортчи Комил Уринбоев Шига Коген шаҳрида слалом ва гигант слалом баҳсларида ўз маҳоратини намойиш қилишига умид боғласак бўлади. Фристайлчилар фақатгина 8,11,16,18-февраль кунларигина курашадилар. Уйлаймизки, вакилларимиз Лина Черязова ва Сергей Бренер медаллар учун бўлган жангларда ғолиб чиқишса, ажаб эмас. Айниқса Линадан умидимиз катта. У тўрт йил аввалги Лилли Хаммердаги натижасини янгиласа нур устига аъло нур бўларди. Музда нафис учувчиларимиз Татьяна Малинина ва Роман Скорняковларни ҳам қийин синовлар кутмоқда. Лекин умид қиламизки, улар ҳам ушбу синовлардан ғолибона ўтишади. Ўз ўрнида сизларни тоғ чанғи спортчимиз Комил Уринбоев билан яқиндан таништирамиз.

У 1976 йил 7 сентябрда Тошкент вилояти Ғазалкент шаҳрида туғилган. 9 ёшидан бошлаб тоғ чанғи спорти билан жиддий шуғулланади. Терма жамоа аъзоси. 12 ёшидан бошлаб ютуқларга эриша бошлаган: 1988- Ўзбекистон чемпиони, 1989-91- Ҳалқаро турнирлар совриндори, 1992- Осиё чемпионати (Корея) ғолиби, 1995- Қозоғистон, Россия очиқ чемпионати: 1996 - Қишки Осиё ўйинлари (Хитой, Харбин) совриндори, 1997 - «Дезен» кубоги (Эрон) олтин медал соҳиби. Сафар олдидан биз у билан қисқача суҳбатлашдик.

- Комилжон, Олимпиада олдидан ўтказилган тайёргарлик, кўриклар, имкониятлар ҳақида нималар дея оласиз?

- Аввало, терма жамоамиз бош мураббийи Вячеслав Стенин бошчилигида нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиш ниятида жиддий ҳозирлик кўрдик. Швецариянинг Ст-Морец шаҳрида ва Чимён тоғларида машғулотлар олиб бордик. Ундан ташқари Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун очко йиғишимиз керак эди. Ўтган йили феврал ойида Жанубий Қурияда гигант слалом бўйича 110 очко ва Эронда «Дезен» кубогида 70 очко жамғариб биринчи ўринни эгалладим.

**- Синглингиз Ильмира Ўринбоева ҳам терма жамоа аъзоси. Унинг Японияга бормаётгани сабаби нимада?**

- Гап шундаки, юқорида айтганим, йиғилган очколаримиз тақдиримизни ҳал қилди. Синглимга 10 очко етмай Олимпиадага қатнашмаяпти.

**- Наганога бориш учун кимлар ҳомийлик қилди?**

- Аввало Республика Миллий Олимпия Қўмитаси Давлат спорт қўмитаси харажатларни кўтарди. Икки йилдан буён эса Австриянинг «Анатомик» фирмаси (1996,1998 йилда) бизга спорт кийимлари ва жиҳозлар олиб бермоқда.

Мамлакатимизга ғалабалар келтириш учун курашга бел боғлаган спортчиларимизга, илоҳим, омад ёр бўлсин.

# «ҚИРОЛИЧА»НИНГ ЖОНКУЯР ФАРЗАНДИ

Шафқатсиз, шартаки, қўрс, ва яна ҳақиқатгўй, беғараз, талабчан, илтифотли... Ушбу барча эпитет ва таърифларни Ватанимиз енгил атлетикаси фидойиси Геннадий Арзумановнинг тавсифномасига киритиш мумкин.

Зотан, унинг педагогик, тренерлик, ҳакамлик фаолияти, бунга елкама-елка туриб бериш- буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон спорти учун катта бир мактаб.

1956 йил Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтини муваффақиятли тугатган Геннадий Арзуманов пойтахтимиздаги 1-БУСМга йўлланма олди ва енгил атлетика бўйича мураббийлик фаолияти бошланди. Олти йиллик самарали меҳнатидан сўнг ТошДЖТИ енгил атлетика кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1975 йили эса кафедра мудирлигига кўтарилди. Шундан бери у кўплаб спорт мактаблари ва клубларида ҳам ёшларга спорт сирларини ўргатиб келмоқда.

Ҳалол ва самарали меҳнати учун 1968 йили «Бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакам», 1972 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвонлари билан тақдирланган. 1972 йилда Республика ёшлар терма жамоаси мураббийси.

ТошДЖТИ енгил атлетика кафедраси доценти, Республика енгил атлетика Федерацияси вице президенти, Марказий Осиё давлатлари енгил атлетика ҳакамлар кенгаши раиси Геннадий Арзуманов 60 ёшни қаршиламоқда.

**- Ортда қолган қизғин меҳнатингиз давомида кўплаб шогирдлар етиштирдингиз. Рекордчилар, чемпионлар спорт усталари. Уларнинг ҳар бирини эслай оласизми?- сўрадик ундан.**

- Мен доимо тренерлик фаолиятимда ишни нолдан бошлайман. Энди ўсиб келаётган спортчининг иқтидори, маҳоратини кўриб қувонасан киши. бу ғурур, бу қониқиш, ҳаётга ишонч, яшашга умиддир. Менимча яна ким билади дейсиз... Энг биринчи шогирдим лангарчўп билан сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлганди. Бу 60-йиллардаги гап. Яна шогирдларим эстафетача югуришда рекорд қўйишганди. Ҳеч ким бу натижага анча пайттача эришолмаганди. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кучли барьерчиси - Александр Берштейн ўсмирлар ўртасидаги қишки чемпионатнинг ғолиби ва менинг шогирдларим ичида биринчи бўлиб спорт устаси талабини бажарган йигит. Жами 15 нафар спорт устасини етиштирдим.

**- Республикамизда бундай рақам билан ҳеч ким сиз билан рақобатлаша олмаса керак?**

- Ҳа десам, нокамтарлик бўлади. Зеро, шундай экан, келинг шу ҳақда гаплашамиз. Сергей Аникин узунликка сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва рекордчиси.

Владимир Здобнов - V халқаро спартакиада совриндори, югуришда Ўзбекистон чемпиони ва рекордчиси Евгений Якименко - учхатлаб сакрашда кўплаб Бутуниттифоқ ва Республика турнирлари ғолиби. Уларнинг барчаси 70-йиллар мамлакат терма жамоаси аъзолари эди. 80-йилларга келиб шогирдларим яна зафар қучишди. Александр Бережнов ёпиқ иншоотдаги Кубокнинг бронза соҳиби, 400 метрга югуришда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусобақалари ғолиби бўлди, югурувчилардан Елена Квятковская, Юлия Теплякова... Шогирдларим Ўзбекистоннинг 57 рекордини қўйишди, 200 га яқин йигит - қиз Республика биринчилиги ғолиблари бўлишди.

**-Умуман сиз спортчилар оиласидансиз. Уч ака ука - Геннадий, Сергей, Николай. Ва барчангиз «спорт қироличаси» рицарларисиз. Улар билан тез-тез учрашиб турасизларми?**

- Асосан мусобақаларда учрашамиз. Сергей салкам 30 йилдан бери енгил атлетикага ихтисослаштирилган 71-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Николай ҳозир касаба уюшмалари Тошкент вилояти Марказий кенгашида ишламоқда. Турмуш ўртоғим Светлана Вячеславовна Ўзбекистонда енгил атлетика бўйича биринчи спорт устаси.

Спорт фидоийликни талаб қилади. Бусиз бирор муваффақиятга эришиш қийин. Ўтган йили 2-Марказий Осиё ўйинларида «спорт қироличаси» бўйича вакилларимиз еттита медал (шундан 4 таси олтин)ни қўлга киритишди. Ғолиблар ичида Арзумановнинг уч нафар ўқувчиси олтита медал эгаси бўлди.

Ҳозирги кунда ҳаётимизда «профессионал» сўзи кўп қўлланилмоқда. Биз эса мамлакатимиз енгил атлетикасида профессионал деб Геннадий Арзумановни айта оламиз. Талабчан мураббий, ҳақиқатгўй ҳакам, моҳир устоз 1997 йил «Энг яхши мураббий»,«Энг яхши ҳакам» танловида ҳар икки номга ҳам сазовор бўлди. Биз Ўзбекистон спортининг толмас жонкуярига сиҳат-саломатлик,мамлакат спорт шарафини муносиб ҳимоя қилувчи ёшларни етиштиришдек савобли ишда сабр-бардош ва куч-қувват тилаб қоламиз.

**Дониёр ЮСУПОВ.**

*Шунақаси ҳам бўлади*

# УЧЧАЛАСИ БАРАВАРИГА

**Гамелликлар даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлишди. Номаълум сабабларга кўра учта 16 ёшли ўспирин 10 қаватли бинони томидан ерга сакраб, чил-парчин бўлдилар. Бу ҳодиса тунда содир бўлган эди. Ҳеч ким ўспиринлар нима сабабдан бундай қилишганини билмайди. Ҳеч қандай васият ҳам, бирорта хат ҳам қолдиришмабди улар. Кейинчалик маълум бўлгани шуки, улардан иккитаси ҳеч қаерда ишламас, биттаси ҳунар-билим юртининг ўқувчиси экан. Уларнинг қони текширилганда, унда алкоголь аниқланган холос. Улар ўлимга ўз ихтиёрлари билан боришган кўринади.**

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Э.Ёқубовга отаси

**Ҳомил ЁҚУБОВнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


# ЁЗДА ДАМ ОЛИШГА ИМКОНИ БЎЛМАГАН ҲАМЮРТЛАР!

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Санаторий-курортлар бирлашмасининг**

## Йўлланмалар тарқатиш бошқармаси

***Сизни Республикамизнинг ноёб табиий иқлим омилларига эга бўлган касаба уюшмалари санаторий-курорт муассасаларига даволаниш ва дам олишга таклиф қилади***

**Тошкент шаҳрида:**

- Кўп тармоқли «Турон» санаторийсига (қон, томир, юрак, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари):

- **«ЧИНОБОД»** санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари).

Махсус йўлланмалар бўйича она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача) боласи билан даволаниши мумкин.

**Тошкент вилоятида:**

**«БОТАНИКА»** санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача) бўлган боласи билан даволаниши мумкин.

- Кўп тармоқли **«БЎСТОН»** санаторийсига (қон томир, юрак, асаб ва урологик касалликлари).

- **«8 МАРТ»** санаторийсига (гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган эр-хотин даволанади).

-**«ОҚТОШ»** санаторийсига (нафас органларнинг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликлари).

**Андижон вилоятида:**

- Кўп тармоқли **«МАРҲАМАТ»** санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва сурункали тери касалликлари).

**Бухоро шаҳрида:**

- **«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА»** санаторийсига (буйрак касалликлари) ёз фаслида (асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат органлари касалликлари),

**Жиззах вилоятида:**

- **«ЗОМИН»** санаторийсига (нафас органлари ва асаб системаси касалликлари). Махсус йўлланмалар бўйича она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача бўлган боласи билан даволаниши мумкин.

**Қашқадарё вилоятида:**

- Қарши шаҳридаги **«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ»** санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб, овқат ҳазм қилиш касалликлари органлари):

**«МИРОҚИ»** санаторийсига (нафас олиш органлари ва асаб система касалликлари).

**Наманган вилоятида:**

- Кўп тармоқли **«ЧОРТОҚ»** санаторийсига (таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари):

Махсус йўлланма бўйича она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумила 14 ёшгача) бўлган боласи билан даволаниши мумкин.

- **«КОСОНСОЙ»** санаторийсига (суяк-мушак, асаб, қон-томир, ва юрак касалликлари).

- Кўп тармоқли **«НИҲОЛ»** санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари суяк-мушак, асаб системаси, буйрак касалликлари).

**Самарқанд вилоятида:**

- **«АБУ АЛИ ИБН СИНО»** санаторийсига (таянч-ҳаракат органлари, қон-томир, юрак ва асаб системаси касалликлари).

**Фарғона вилоятида:**

- Кўп тармоқли **«ЧИМЁН»** санаторийсига (қон-томир, юрак, таянч-ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик ва урологик касалликлари).

Махсус йўлланмаларга эга она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача бўлган боласи билан даволаниши мумкин).

***Бизнинг йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир! Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархига сотилади.***

Шу билан бирга санаторий-курортлар бирлашмаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24 уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-73-56, 56-78-15, 56-70-97.**



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАХСУС ИШОНЧ

Бош муҳаррир:
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖОНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА,Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43.
Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10.
Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43.
Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи:* 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ